

# Аҳли сунна вал жамоанинг ўн аломати

**Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам фирқалар кўпайган пайтда мусулмонларнинг катта жамоасини лозим тутишни таъкидлаб: “Агар ихтилофни кўрсангиз, катта қора (жамоа)ни лозим тутинг”, деганлар (Имом Ибн Можа ривояти).**

Бу ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳли сунна вал жамоани назарда тутганлар. “Аҳли сунна вал жамоа” арабча ибора бўлиб, “Суннатга амал қилувчи ва жамоатга эргашувчи кишилар” деган маънони англатади. Аҳли сунна вал жамоа – Ислом тарихининг барча даврларида мусулмонларнинг катта қисмини ташкил қилган. Улар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва хулафои рошидинлар – Абу Бакр, Умар, Усмон, Али розияллоҳу анҳумнинг суннатларини маҳкам ушлаганлар. Улар саҳобалар, тобеинлар ва тўрт мўътабар фикҳий мазҳаб имомлари йўлларида эргашган жамоадир.

Аҳли суннанинг ақоид бобида мазҳаб-бошилари Имом Ашъарий ва Имом Мотуридий экани маълумдир. Бу ҳақда Имом ибн Ҳажар Ҳайтабий: “Суннатдан мақсад – аҳли сунна вал жамоа имомлари Абул Ҳасан Ашъарий ва Абу Мансур Мотуридий тутган йўлдир”, деган.

“Фатаво ал-хужжа” китобида аҳли сунна вал жамоанинг ўнта аломати борлиги зикр қилинади. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «**“Қайси бир мўмин аҳли сунна вал жамоадан бўлса, унинг ҳар бир босган қадамига Аллоҳ ўнта савоб ва ўнта даражот ёзади.** Шунда асҳоблар сўрашди: “Эй Аллоҳнинг расули, унинг аҳли сунна вал жамоадан эканининг аломати нима?” Набий алайҳиссалом: **“Унинг аҳли сунна вал жамоадан эканининг ўн аломати бор, кимда шу ўн аломат топилса, у аҳли сунна вал жамоадан бўлади. Булар: беш вақт на-**



**мозни жамоат билан ўқишга ҳарис бўлиш, бирор саҳобани ёмонлик ва камчилик билан ёд этмаслик, ўз подшоҳига қарши қурол кўтармаслик, иймонидан шак ва гумонга тушмаслик, бошига тушган ҳар яхши ва ёмон ишни Аллоҳнинг тақдиридан деб қабул қилиш, аҳли қибла бўлган кишининг жанозасига қатнашмоқни лозим деб билиш, динда мужодала қилмаслик, тортишмаслик, аҳли қибла, яъни мусулмонларни куфрда айблаб сўкмаслик, сафар ва ҳазарда (шартлари топилган) маҳсига масҳ тортишни жоиз деб билиш ҳамда солиҳ ёки фожир деб билинган кишининг ортидаги намозни жоиз деб ҳисоблаш (аҳли сунна вал жамоанинг) аломатларидандир”,** дедилар.

Дунё мусулмонларининг асосий кўпчилиги аҳли сунна вал жамоадир. Тўрт мўътабар фикҳий мазҳаблар – ҳанафий, моликий, шофеъий ва ханбалӣ мазҳабларидаги барча мусулмонлар аҳли сунна вал жамоадирлар.

Афсуски, ҳозирда баъзи бузғунчи мазҳабсизлар ҳам ўзларини аҳли сунна вал жамоадан деб билади. Аммо улар аҳли сунна вал жамоа мазҳабининг имомларини “адашган” деб турли иғволар тўқиб, кишиларни тўғри йўлдан чалғитади. Уларнинг бу ҳийлаларидан огоҳ бўлиш, мазҳабимизни мукамал билиш ҳар бир мўминнинг бурчидир.

**Убайдуллоҳ АБДУЛЛАЕВ,**  
Фарғона вилояти бош имом-хатиби

# Қалампир сотсанг ҳам, аччиқ бўлмагин...



Ҳаётимиздаги кўпгина муваффақиятларнинг омили ширин сўздор. Нохушликлар эса кўпинча қўпол сўз сабабли содир бўлади. Шунинг учун ҳар бир инсон ширинсўз, мулойим бўлишга интиломи лозим.

Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: **“Бандаларимга айтилганки, улар (ўзаро сўзлашганларида) энг гўзал сўзларни сўзласинлар. Зеро, шайтон уларнинг ўрталарида бузғунчилик қилур...”** (Исро сураси, 53-оят).

Сўзлашишнинг чиройли одобларидан яна бири оҳиста сўзлашдир. Ҳазрат Ойша онамиз розияллоҳу анҳо ривоят қилади: **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзлаганларида, агар сўзларини санамоқчи бўлсангиз, албатта, санаоига етардингиз”** (Имом Бухорий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу борада ҳам умматларига олий муаллим, тенгсиз мураббий сифатида ибрат бўлганлар. Киши оғир-босиқлик билан шошмасдан, дона-дона қилиб, эшитаётганларни зериктириб қўймасдан, имкон қадар чиройли сўзлар билан гаплашсин. Чунки фасоҳатли сўзлаш Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидир. Манбаларда келтирилишича, гўзал ва равон сўзлаган ҳазрат Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан мактов олганлар.

Инсонни чинакам инсон қиладиган нарса унинг яхши фазилатларию хушмуомала-

лигидир. Бу фикрлар исботи ўлароқ ушбу ҳикматли ҳикояга эътибор қаратайлик: **“Бозорда икки дўкон ёнма-ён жойлашган бўлиб, уларнинг бирида асал, бирида сирка сотиларди. Асал сотувчи ширин асал сотса-да, ёнига ҳеч ким келмас, сирка сотувчи ёнидан эса харидор аримасди. Асал сотувчи толесизлигидан хафа бўлиб, донишманд ҳузурига бориб, сирка сотувчининг ёнидан одам аримаслиги, ўзининг ёнига эса ҳеч ким келмаслигидан шикоят қилди. У билан суҳбатлашиб, асл ҳақиқатни ўрганган донишманд бундай деди:**

**– Ўғлим, сен асал сотасан, лекин тилинг сиркадек аччиқ экан. Шеригинг сирка сотади, лекин тилидан бол томаркан”.**

Одатда, ширинсухан кишиларнинг истараси иссиқ, чеҳрасидан нур ёғилиб туради. Бундай нигоҳ, бундай меҳр тош қалбни ҳам эритиб юбориши мумкин. Зеро, инсон кўпинча бир оғиз илиқ сўзга ташна бўлади. Бир оғиз сўз билан кўнгли осмон бўлади.

Демак, фарзандларимизнинг инсонлар билан ўзаро муомаласи, гапирган сўзлари ҳикмат касб этиши учун уларнинг қалблари иймон, илм, одоб билан зийнатланган бўломи лозим. Шундагина улар кўрган кўзлар қувонадиган, сўзлашган инсонлар **“яна бир суҳбатлашсам”** дейдиган комил инсонлар бўлиб камол топади.

**Раҳматилло МАДАМИНОВ,**

Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги  
“Эшонгузар” масжиди имом ноиби



## МУНДАРИЖА

### Мазҳабимизни ўрганамиз

Аҳли сунна вал жамоанинг ўн аломати ..... 1

### Таянч нуқта

Қалампир сотсанг ҳам, аччиқ бўлмагин... ..... 2

### Тафсир

Фил сураси ..... 4

### Идора ҳаёти

Туркий давлатлар уламолари анжумани ..... 5

### Бугуннинг гапи

Суннат ва ижмони рад этиш ..... 6

Қуръонни инкор қилишдир ..... 6

### Саҳобалар ҳаёти

Жарир ибн Абдуллоҳ Божалий ..... 8

### Долзарб мавзу

Покиза қалбларга доғ туширмайлик ..... 10

### Ибратли ҳикоялар

Гўзал хулқингиз туфайли ..... 12

Исломни қабул қилдим ..... 12

### Улуғлар ўғити

Гуноҳлар қаерга етаклайди? ..... 13

### Огоҳлик – давр талаби

Фитна – кўз илғамас хатар ..... 14

### Масала

Сўраган эдингиз... ..... 16

### Ҳадис шарҳи

Набавий уч башорат ..... 18

### Тафаккур

Фитрат уйғонса, ..... 19

ғафлатда қолманг... ..... 19

### Дунёдан дараклар

Ислом ва олам ..... 20

### Динимизни ўрганамиз

Онанинг меросдаги ..... 21

ҳолатлари ..... 21

### Ақида

Иймони бор синовдадир ..... 22

### Насихат

Омонатни иймон билан топшириш ..... 23

насиб этсин ..... 23

### Бўлган воқеа

Истиқлол туфайли адолат қарор топди ..... 24

### Бадиа

Телефон тузук, болалар – “бузуқ” ми?.. ..... 25

### Шеърият

Кун каби ўтди умр... ..... 26

### Убудият

Савдо-сотиқнинг олтин қоидалари ..... 28

### Ёмонликдан қайтариш

Бекорчидан Худо безор ..... 29

### Саодат асрига саёҳат

Уҳуд ғазоти ..... 30

### Минтақа

Уммон ортида тез ёйилаётган дин ..... 32



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِأَصْحَابِ الْفِيلِ ﴿١﴾ أَلَمْ يَجْعَلْ كَيْدَهُمْ فِي تَضْلِيلٍ ﴿٢﴾ وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا أَبَابِيلَ ﴿٣﴾ تَرْمِيهِمْ بِحِجَارَةٍ مِّن سِجِّيلٍ ﴿٤﴾ فَجَعَلَهُمْ كَعَصْفٍ مَّأْكُولٍ ﴿٥﴾

## Фил сураси

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

«(Эй Муҳаммад!) Раббингиз “фил эгалари”ни не қилганини кўрмадингизми? (У) уларнинг макрларини йўққа чиқармадимми?! Уларнинг устига тўда-тўда қушларни юборди. (Улар) сопол тошлар билан уларни отар эди. (Бас,) уларни (Каъбани бузишга келганларни) еб (чайнаб) ташланган сомондек қилиб қўйди».

Фил воқеаси милодий 570 йилда содир бўлган.

1. «(Эй Муҳаммад!) Раббингиз “фил эгалари”ни не қилганини кўрмадингизми?»

Бу ерда Аллоҳ таоло “أَلَمْ تَرَ” (кўрмадингизми?) деса-да, мазмунан “Билмадингизми?” маъноси келган. Ибн Аббос бу жумлани “Эшитмадингизми?” деб тафсир қилган. Хитоб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга қилинган, ҳукми эса умумийдир. “Мен филнинг соҳибларини нима қилганимни эшитмадингизми?” деган таъкид бор.

2. “(У) уларнинг макрларини йўққа чиқармадимми?!”

Аллоҳ таоло айтади: “(У) уларнинг макрларини йўққа чиқармадимми?!” Яъни бекорга чиқармадимми? Абдулмутталиб ўғли Абдуллоҳни улар қандай балога йўлиққанини билиш учун жўнатишди. Абдуллоҳ бориб қараса, майда тошчалар уларнинг жасадларини илма-тешиқ қилиб ташлаган, барчаси ҳалок бўлган эди.

3. “Уларнинг устига тўда-тўда қушларни юборди”.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим, у зот: “*У осмон билан ер оралиғидаги қуш бўлиб, уя қуриб, (тухумдан) бола очади*”. Ойша онамиз розияллоҳу анҳо: “Улар қалдирғочларга ўхшарди”, деган. Саид



ибн Жубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “У тумшуғи сариқ яшил қушдир”. Баъзилар: “Тумшуғи оқ эди”, дейишади. Муҳаммад ибн Каъб: “Улар тумшуғи ва чангалида тош бўлган, қора рангли денгиз қушларидир”, деган. Икрма айтади: “Улар абобил, яъни гуруҳ-гуруҳ қушлардир”.

4. “(Улар) сопол тошлар билан уларни отар эди”.

“Сиҳоҳ” китобларида: “Сижжил тошлари билан”, деб келтирилади. Баъзилар: “Дўзахда пиширилган лой-тошлардир, унда ўлдирилган одамнинг исми ёзилган”, дейишади. Абдурраҳмон ибн Абза эса “сижжил”дан мақсад “осмондан келган қушлар”, дейди.

Икрма айтади: “Қушлар тошни уларнинг устига улоқтирарди. Тош нўхатдек, ясмиқдан каттароқ эди”. Ибн Аббос айтади: “Бировининг устига тош тушса, унинг териси куйиб қоларди. Бу чечак касаллигининг биринчи кўриниши эди”.



5. “(Бас) уларни (Каъбани бузишга келганларни) еб (чайнаб) ташланган сомондек қилиб қўйди”.

Ибн Аббос айтади: «“Уларни ейиладиган сомондек қилди” ояти “Уларни дони ейилган буғдой пўстлоғидек қилди” маъносини англатади».

Ривоят қилинишича, тош улардан бирининг устига тушса, қорнидаги ҳамма нарсани чиқариб ташлаган. Шу сабаб дони олиб ташланган буғдой қобиғига ўхшатишган. Ибн Масъуд айтади: “Қушлар тош отган вақтда Аллоҳ шамолга амр қилди. Шамол тошларга урилиб, уларнинг шиддатини ошириб юборди. Тош теккан киши дарҳол ҳалок бўлди. Фақат Кинда қабиласидан бир киши тирик қолган эди. У:

“Агар уни қўрган бўлсанг,  
бас, етар,  
Муғаммисда биз қўрган  
азобни қўрма”, дейди.

Фил сурасининг яна бир афзаллиги шуки, унда Аллоҳга таваккал қилиш баён этилган. Сура Аллоҳнинг амрларига амал қилганларга ризқ ва мадад беришини билиб, мўминларни иймонларида собит бўлишга ва Ислом динини ёйишда давом этишга даъват қилади.

Имом Қуртубийнинг  
“ал-Жомеъ ли аҳкамил  
Қуръон” тафсири асосида  
Имом Термизий халқаро  
илмий-тадқиқот маркази  
илмий ходими **Фахриддин  
ХУДОЙНАЗАРОВ**  
тайёрлади.

## Бишкекда халқаро анжуман

22 ноябрь куни Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида “Қирғизистон – конфессиялараро тинчлик ва тотувлик мамлакати” мавзуида V халқаро анжуман бўлиб ўтди.



Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков ҳамда Дин ишлари бўйича қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Мамадқулов мазкур анжуманда иштирок этди.



## Янги ўринбосар тайинланди

Шу йил 23 ноябрь куни Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори, профессор Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов вазифасидан ажралмаган ҳолда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг Ёшлар ишлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

## Туркий давлатлар уламолари анжумани

Шу йилнинг 25–26 ноябрь кунлари Тошкент ва Бухоро шаҳарларида Туркий давлатлар ташкилотининг IV йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур анжуман доирасида “Мотуридийлик таълимоти ва ҳозирги замон” мавзусида Туркий давлатлар уламоларининг I форуми Тошкент шаҳрида ташкил этилди. Тадбирнинг иккинчи куни “Мир Араб” мадрасасининг 500 йиллигига бағишланган “Боқий Бухоронинг Ислом цивилизациясидаги ўрни” мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.



Кейинги пайтларда баъзи тоифалар интернет тармоқларида ҳадис ва суннатни инкор қилиб, турли фитналар қилишга уринмоқда. Халқимиз бундай иғволарга учмаслиги учун Ҳадис илми олий мактаби ўқитувчиси, мисрлик Шайх Муҳаммад Жамолиддин Ҳошим билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

# Суннат ва ижмони рад этиш

## Қуръонни инкор қилишдир

– Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбарга мўъжизалар берган. Улар вафот этгач, мўъжизалари ҳам ниҳоясига етади. Аммо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизалари қиёматгача боқийдир. Хусусан, ҳадисни инкор қилувчилар ҳақида айтилган қуйидаги ҳадис бугунги кунда ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Абу Рофеъ розияллоҳу анҳу ривоят қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мен сизлардан ҳеч бирингизни сўрасига суянган ҳолда ўтириб, унга менинг буйруқларимдан бир буйруқ келса ёки қайтариқларимдан бир қайтариқ келса: “Биз китобда, яъни Қуръонда нимани топган бўлсак, шунга эргашамиз”, деган ҳолатда кўришни истамас эдим», дедилар (Имом Абу Довуд ривояти).

Бу ҳолат айнаи замонда зоҳир бўлди. Ҳадисни инкор қилувчилар: “Албатта, Қуръон мукаммал, бирор нуқсонга учрамаган ҳолда нозил бўлди. У бирор суннатга ҳам, шарҳ ёки очиқланишга муҳтож эмас”, деб даъво қиладилар. Шу тўғрими?

– Албатта, бундай даъволар олдин ҳам содир бўлган. Бу кабиларнинг зоҳир бўлиши Пайғамбаримиз алайҳиссаломни тасдиқлашдир. Чунки Набий алайҳиссалом суннатни инкор қилувчиларнинг тезда чиқишларидан огоҳлантирганлар.

Бошқа ҳадисда эса: “Огоҳ бўлинглар, менга Қуръон ва унинг мислича илм берилди”, дейилган (Имом Термизий ривояти).



Олимхон ИСАХОН ўғли,  
Ҳадис илми мактаби ректори

Шайх ЖАМОЛИДДИН ҲОШИМ,  
Азҳари шарифнинг нуфузли уламиси

Суннатни инкор қилувчилар хато йўлда эканларига Ҳашр сурасининг 7-ояти далил: “Пайғамбар сизларга нимани берса, ўшани олинглар, нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар”.

– Дарҳақиқат, уларга айнан шу оятни далил қилсак, бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга “ўлжалар” ҳақида нозил бўлган, деб жавоб беришмоқда. Бунга нима дейиш лозим?

– Албатта, Қуръон оятларининг баъзилари сабабларга кўра ва айримлари эса сабабларсиз нозил бўлган.

Бу ерда эътиборли жиҳат ҳукмнинг умумийлигидир, сабабнинг хослиги эмас. Яъни сабаб туфайли оят тушган бўлса ҳам, умумий ҳукмни ифодаласа, биз сабабнинг хослигига эмас, ҳукмнинг умумийлигига эътибор қаратамиз.

Шунингдек, бу оят фақатгина ўлжаларга хос десак, унда ўлжалар тақсимооти ва унга оид ҳукмларини ким Аллоҳ буюрга-

нидек ижро қилган? Албатта, Расулуллоҳ алайҳиссалом. Нима учун оятнинг “ўлжалар тақсимоти” қисмига иймон келтириб, ҳукмини ижро қилган зотнинг суннатларини инкор қилиш керак?!

Аллоҳ таоло: **“Аллоҳга ва Расулига итоат қилинглар”**, деган. Агар у зотнинг сўзларига ва феълларига итоат қилмасак, бу оятни қандай амалга татбиқ этамиз?!

Аллоҳ таолодан Анъом сурасининг 82-ояти: **“Иймон келтирганлар ва иймонларига зулмни аралаштирмаганлар. Ана ўшаларга хотиржамлик, омонлик бор. Улар ҳидоят топганлардир”** ояти нозил бўлгач, саҳобаларга оғир келди ва: “Эй Аллоҳнинг расули! Биздан ўзига зулм қилмаган ким бор?” деб сўрашди. Расулуллоҳ: **“Бу сизлар ўйлаган ва эсингизга келган зулм эмас. Қуръонда Луқмон ўғлига айтган насиҳатларни ўқимадингизми?”** дедилар ва: **“Эй ўғилчам! Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк улкан зулмдир”** (Луқмон сураси, 13-) оятини ўқидилар.

Агар саҳобалар бўлмаганида ва бу ривоят санади Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга етказиб борилмаганда, оятдаги **“зулм”**дан мурод ширк эканини қандай билардик? Зулмдан мурод ширк эканини Қуръон эмас, Расулуллоҳ алайҳиссалом айтмоқдалар.

Бундай кимсалар ҳеч нарсани билмасликларидан: **“Биз фақатгина Қуръонни лозим тутамиз”**, деб Қуръоннинг тарафдоридек кўринишади, холос. Уларга: “Агар ўрганмоқчи бўлсанг, кел, таълим берайлик, ўргатайлик. Шу ҳолингда шаклан мусулмон бўлиб кўринсанг-да, зоҳирда ва ботинда куфр келтирган кимсага эргашиб кетяпсан”, деймиз. У эса: “Мусулмонман”, дейди. Аммо мусулмон Аллоҳнинг ризоси учун таслим бўлган, У Зотга ишонган, суннатга амал қилган киши эканини билмайди.

Бундай кимсалар: **“Биз намозни инкор қилмаймиз, лекин ҳар ким ўзи хоҳлагандек намоз ўқийди”**, деб намозни дуо шаклида талқин қилишади.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқиганларини ва жамоатни

намозга тўплаганларини ҳамда: **“Менинг намоз ўқиганимни кўргангиз каби намоз ўқинглар”**, деганларини билишмайдимиз?! Билишади. Уларнинг бу хатти-ҳаракатлари Исломи парчалашдан бошқа нарса эмас.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу каби тоифаларнинг зоҳир бўлиши хабарини берганлар. Бизнинг мақсадимиз эса суннатни инкор қилувчиларнинг фитналаридан мусулмонларни огоҳлантириш холос.

**– Ҳадисни инкор қилувчилар ўзларини мусулмон деб ҳисоблайдилар. Исломда ҳадисни инкор қилишнинг ҳукми қандай?**

– Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини умумий тарзда инкор қилиш ваҳийнинг бир бўлагини инкор қилиш ҳисобланади. Аллоҳ таоло Ҳашр сурасининг 7-оятида: **“Пайғамбар сизларга нимани берса, ўшани олинглар, нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар”**, Оли Имрон сурасининг 32-оятида: **“Аллоҳга ва Расулга итоат қилинг”**, Нажм сурасининг 3–4-оятларида эса: **“У ҳаводан нутқ қилмас. У (Қуръон) ваҳийдан ўзга нарса эмас”**, деган. Суннатни инкор қилиб, фақатгина Қуръонга ишонишни даъво қилувчиларга раддия бўладиган бу каби оятлар жуда кўп.

Ислом ҳукмлари Қуръон ва суннатга асосланади. Ким фақат Қуръонгагина ишонаман, суннатга ишонмайман деса, ундан: “Албатта, Қуръон умумий ҳукмлар билан келган. Суннат эса уларни баён қилиб, ажратиб, тафсир қилиб берган. Сен намоз ўқимоқчи бўлсанг, қандай покланасан ёки қандай намоз ўқийсан?” деб сўралса, у: “Мизожимга қараб, истаганимдек”, яъни шайтон йўл кўрсатганидек ўқишини айтади.

Суннатни инкор қилувчилар Қуръон оятларини, Ислом ҳукмлари, динда зарур деб билинган нарсаларни ва ижмони инкор қилувчилардир.

Суҳбатдош Ҳадис илми мактаби  
ректори Олимхон ИСАХОН ўғли



# Жарир ибн Абдуллоҳ

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Масжиди Набавийда мусулмонларни ҳидоятга чорлар эдилар. Шу пайтда Яман тарафдан катта бир жамоа масжид сари кела бошлади. Уларнинг мақсади Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида ўзларининг Исломга кирганларини эълон қилиш эди.**

Бу жамоага Бажила саййиди ва ҳамма итоат этадиган Жарир ибн Абдуллоҳ Божалий раҳбар эди. Тўсатдан масжид жамоати Жарир ибн Абдуллоҳга бурилиб, унга узоқ тикилди. Улар бу киши кимлигини аниқлаштириш ва сифатларига ишонч ҳосил қилишни истар эдилар. Намоз адо этиб бўлингач, Жарир ёнида ўтирган мусулмонлардан бири томон энгашиб сўради:

– Одамларга нима бўлган ўзи, гўё ишлари бордек менга синчиклаб кўзларини олайтириб қарамоқдалар? Бу бир тасодифми ёки бу ерда бошқа гап борми?!

Олдидаги киши унга деди:

– Одамлар сен томонга тикилиб қараётганларига сабаб бу жамоага бош бўлиб келишингдан илгарироқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда хабар бериб, юзида подшоҳлар виқори бор, Яман аҳлининг энг яхшиларидан бўлган бир киши олдингизга келади, деб сени айтиб турган эдилар.

Жарир ибн Абдуллоҳнинг юзлари ёришиб, хурсандлигидан чехраси нурланиб кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган сифатлардан кўнгли тоғдек кўтарилди.

\* \* \*

Пайғамбаримиз алайҳиссалом намозлари, тасбеҳлари ва дуоларини тугатар-тугатмас, Жарир ибн Абдуллоҳ у зотнинг олдиларида ҳозир бўлди. Набий алайҳиссалом уни кўриб сўрадилар:

– Эй Жарир, сени бу ерга нима олиб келди?

У бундай жавоб берди:

– Эй Аллоҳнинг Расули, қавмим билан сизнинг ҳузурингизда Исломни қабул қилгани келдик!

Шунда Набий алайҳиссалом:

– Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва менинг пайғамбар эканимга гувоҳлик беришингга, намозни барпо этишингга, Рамазон рўзасини тутишингга, Байтуллоҳни ҳаж қилишингга, мусулмонга хайрихоҳ бўлишингга, бошлиққа итоат этишингга, гарчи у бир ҳабаш қул бўлса ҳам, эргашишингга чақираман, – дедилар. Жарир:

– Бош устига, ё Расулуллоҳ, – деб у зотнинг айтганларини тасдиқлади.

\* \* \*

Ўша кундан бошлаб Аллоҳнинг Пайғамбари билан соҳиблари Жарир ибн Абдуллоҳ ўртасида дўстлик ришталари мустаҳкам боғланди. Жарир ибн Абдуллоҳ Исломда содиқ бўлган камданкам саҳобага насиб этадиган Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг эҳтиром ва эъзозларига эришди. Расулуллоҳ то вафот этгунларигача у билан ҳар гал кўришганларида юзига табассум билан боқишни канда қилмадилар.

Жарир кунларнинг бирида ҳузурларига кирганида Расулуллоҳ **“Марҳабо!”** деб кутиб олдилар, унга тўшайдиган тўшак тополмаганларидан тўнларини ёзиб устига ўтиришга таклиф этдилар. Шунда Жарир ибн Абдуллоҳ у зотнинг табаррук тўнларини олиб, кўксига босиб, ўпа туриб бундай деди: “Ё Расулуллоҳ, мени икром қилган бўлсангиз, сизни ҳам Аллоҳ шундай икром қилсин, мени қандай иззат қилган бўлсангиз, Аллоҳ ҳам сизни шундай эъзоз этсин”. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом саҳобаларига қараб: **“Агар сизга бир қавмнинг улуғи келса, уни иззат-икром этинглар”**, дедилар.

\* \* \*

Жарир ибн Абдуллоҳ Исломга кириб, иймон билан шарафлангани боис Набий алайҳиссалом ва у зотдан кейинги халифаларнинг ишончли одамига айланди. Улар Жарир ибн Абдуллоҳга энг муҳим вазифаларни топширадиган бўлишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан сал олдинроқ Жарир ибн

# Божалий

Абдуллоҳни олдиларига чақириб, бундай дедилар: “Эй Жарир, мени Зул-Халасадан хотиржам эта оласанми?” У: “Хўп бўлади, ё Расулуллоҳ”, деди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳаётликларида ундан қутулмоқчи бўлган Зул-Халаса Маккадан Яманга қараб юришда, етти кунлик масофада жойлашган Табола шаҳридаги бут-санамлар бўлиб, кумуш билан бўялган, устида худди тож каби нақшлар ўйиб ишланган ҳайкаллар турадиган мушриклар сиғинадиган жой эди. Бу ғўшанинг хизматида Бани Умома кечаю кундуз қоим эди. Хасам, Бажила ва Узд қабилалари улуғлари уни зиёрат қилар, тавоф этиб, қурбонликлар сўйишар эди. Ҳатто улар Зул-Халасани “Яман Каъбаси” деб аташарди.

\*\*\*

Расулуллоҳ алайҳиссалом Жарир ибн Абдуллоҳнинг Бажила саййиди экани ва бошқа Яман қабилалари орасида обрў-эътибори баландлиги боис шу вазифага уни тайинладилар. Жарир Расулуллоҳнинг бу амрларига “Лаббай” деб жавоб берди ва бу ғазот учун ўзининг жасур йигитларидан бир юз эллик нафар отлиқни танлади. Йўлга тушишдан олдин Расул алайҳиссалом билан видолаша туриб, ўзининг бўйи узунлиги ва боши катталиги учун отда яхши

ўтира олмаслигидан Пайғамбаримизга шикоят қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўксига муборак қўллари билан оҳиста уриб: **“Эй Аллоҳим, уни отда маҳкам ўтирадиган қил ва уни ҳидоятчи ва ҳидоятланганлардан қилгин!”** дея ҳаққига дуо қилдилар. Жарир ўшандан бошлаб ел каби учқур отлар устида қилт этмай ўтирадиган чавандозлардан бирига айланди.

\*\*\*

Шундай қилиб, Жарир ўз йигитлари билан Зул-Халаса томон от сурди. Етиб борган заҳоти унинг хизматчиларини қиличдан ўтказди. Ҳайкалларни ер билан яксон қилди. Бут-санамларга ўт қўйиб, кулини кўкка совурди. Ишни тугатиб, суюнчи хабарини етказиш учун бир кишини Расулуллоҳ ҳузурларига юборди. Кейинчалик бу жой катта “Табола” жоме масжидига айлантирилди.

\*\*\*

Жарир Зул-Халасани яксон этганидан сўнг Мадинага қайтиб келмади. Балки Яман томонга юришни давом эттирди. Расулуллоҳ амрларига кўра Яман подшоҳларини Исломга даъват этиш учун отини шу томон қамчилади. Ўша пайтдаги Яман подшоҳларидан энг улуғи Зул-Кулоъга элчи жўнатди. Унга Исломнинг гўзал дин эканини намоён этиб, унинг олдида Қуръондан тиловат қилди. Хуллас, унга башорат бериб, огоҳлантирди. Аллоҳ подшоҳнинг қалбини иймонга кенг очди. У Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг расули эканига иймон келтирди. Аллоҳ таоло ширкдан кейин иймон билан сийлаганига қалбида шодлик жўш урди, Исломга кирган куни шукронаси учун тўрт минг қулни озод этди.

Шундан кейин Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу қавми билан Мадинага кетди. Афсуски, у ниятига етмади. Бу пайт Расулуллоҳ бу дунёдан рихлат қилган эдилар. Сўнг одамлари билан Ҳимсага қайтиб, шу ерда яшаб қолди.

Манбалар асосида Наманган тумани “Мулла Сайфиддин” жоме масжиди имом-хатиби **ҲОЖИАКБАР ЭРГАШЕВ** тайёрлади.



*Ҳожиакбар Эргашев 1997 йили Наманган шаҳрида туғилган.*

*2018 йили “Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юртини битирган.*

*2018–2022 йиллари Тўрақўрғон, Минг-*

*булоқ туманлари жоме масжидларида имом ноиби бўлиб хизмат қилди. Ҳозир Наманган тумани “Мулла Сайфиддин” жоме масжиди имом-хатибидир.*

# Покиза қалбларга доғ туширмайлик

*(Мактабга боришни истамаётган болалар)*

Ота-оналар тортинчоқ, ўз фикрини айтилмайдиган фарзандини мактабга, боғчага берганида: “Болаларга қўшилса, яхши бўлиб кетади”, дейишади. Чиндан ҳам болалар мана шундай вазиятларда киришувчан бўлиб кетадими?

Болаларнинг мактабга боришни истамасдан турли баҳоналар қилиши кўпинча жаҳлимизни чиқаради. Бундай вазиятда фарзандимизга танбеҳ бериб, ундангасаликда айблаймиз. Бироқ унинг ҳолатини тушунишни, ички оламини ўрганишни истамаймиз. Балки соғлиғида муаммо бордир.

Агарда эрталаб болангиз бош оғриғи ва қорин оғриғидан шикоят қилса, уйқуси ёмон, иштаҳаси йўқ ва ўйчан бўлиб, гапингизни баъзан эшитмай қолса, вазият ёмон эканини англатади. Айниқса, укаларига ғазаб қилиши, тез-тез жаҳли чиқиши унга сизнинг эътиборингиз камлигидан, муаммоларини ўзи ҳал қила олмаётганидан далолат беради.

“Мактабдаги муаммолардан қутулишнинг йўли бу – мактабни ўзгартириш”, дея шошилманг. Сабаби, бу вазият мактабдаги ҳолат билан эмас, болангиз билан боғлиқ.

Аслида, болалар билан катталар каби гаплашиб, муносабатни яхшилашга ҳаракат қилиш керак.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳар бир гўдак, албатта, тоза фитратда (яъни Ислом фитратиди) туғилади. Лекин ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний, ё мажусий қилади. Бунинг мисоли шуки, чорва**

**ҳайвони барча аъзолари мукаммал бўлган ҳайвонни туғади. Ёки сизлар қулоқ-бурни кесилган ҳолда туғилган ҳайвонни биласизларми?!”** дедилар.

Бола тарбиясида оиладаги муҳитнинг ўрни катта. Суриштирсангиз, мактабда турли муаммоларга учраган, ўзлаштириши паст болаларнинг оиласида носоғлом муҳит бўлади. Ота-она боласига бақриб, ҳақорат қилса, урса, унинг руҳиятига салбий таъсир қилади. Унда қўрқув шаклланади. Оқибатда қўрқоқ бўлиб қолади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ таолодан қўрқинглар ва болаларингизга адолат қилинглар»**, деганлар (Имом Муслим ривояти).

Фарзандимиз олдида ўзимизни ахлоқсизларча тутишимиз мўминликдан эмас. Айниқса, аёллар кўп ҳолларда эри ёки қайнонасининг аламини боласидан олади. Қолаверса, эркалар орасида ҳам болага заҳрини сочиш, уни камситиш ҳолатлари учрайди. Баъзилар эса “Менинг болам – истаганимни қиламан” деган тор тушунчани ўзларига дастак қилиб олишган.

Дарҳақиқат, бугун болаларимизга нисбатан қилаётган эътиборсизлигимизнинг жавоби, эртага уларнинг бизга бўлган меҳрсизлиги тарзида қайтмайдими? Вақтимизни телефон ёки телевизор қаршисида ўтказсак, дунёни билишга интилаётган боламизни “Жим ўтир, бор ўйна!” дея ўзимиздан узоқлаштирадиган, унга меҳр бермасак. Эртага у ким бўлади? Бунинг ўрнига у билан бирга эртак ўқиб, кино, мультфильмлар кўриб, уларни таҳлил қилайлик. Вақтимизни фарзандимизга сарфлайлик.



Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ солаллоху алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ таоло Қуръони каримда яхши бандаларни “аброр” деб мақтади, чунки улар оталарига яхшилик қилганларидек, болаларига ҳам яхшилик қилган эдилар. Сенинг бўйнингда отангнинг ҳаққи бўлганидек, болангнинг ҳам ҳаққи бор”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Барчамизга фарзандларимизнинг ҳаққини гўзал адо этиб, Аллоҳ ризосига эришиш насиб этсин.

**Умида ХОЛОВА,**

*Навоий вилояти бош-имом хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси*



Умида Холова 1970 йили Навоий вилояти Навбахор туманида туғилган.

1989 йили Навоий шаҳридаги тиббиёт билим юртини битириб, тиббиёт соҳасида самарали ишлади.

2018 йилдан буён Навоий вилояти бош-имом хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси.

XX асрда истиқомат қилиб, серқирра фаолият юритган машҳур уламо мулла Абдусаттор махдум ҳазратлари милодий 1891 йили Наманганнинг Сардоба даҳасида таваллуд топган.



## Абдусаттор Аълам домла

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда танилган Аълам домла билан Зиёвуддинхон Эшон Бобохон ҳам хос суҳбат қуриб, маслаҳат олиб турган. Улар билан боғлиқ бир воқеага мен ҳам гувоҳ бўлганман.

Пойтахтдан бизга яқин киши ҳамроҳлигида Аълам домланинг ҳузурига ўша пайтдаги муфтий ҳазрат Зиёвуддинхон келди. Ҳовли дарвозасига етиб, уловдан тушди. Аълам домланинг олдига киришдан олдин кийиниб олди ва: “Мана энди ҳазратнинг ҳузурига кирсам бўлади”, деди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари муфтийсининг домлага бўлган бу эҳтиромини қаранг!..

Муфтий ҳазрат зиёрат, маърифий суҳбат асносида мураккаб масалаларни ҳам ўртага ташлар, саволларнинг жавобини ёзиб оларди. Аълам домла саволга жавоб бера туриб: “Бу саволнинг жавоби фалон китоб, фалон саҳифа, фалон қаторда” деб қўшимча қилиб қўяр, бу ҳол муфтий ҳазратни лол қолдирарди.

Абдусаттор Аълам домла 1975 йили 84 ёшида вафот этган. Жанозани Исмоил махдум домла ўқиган. Шаҳардаги “Мангулик” қабристонига дафн қилинган.

## Исҳоқ Махдум

Исҳоқ Махдум мулла Сотти Охунд ўғли 1911 йили Янгиқўрғон туманидаги Шўркент қишлоғида таваллуд топган.

1946 йилда очилган Бухородаги “Мир Араб” мадрасасининг талабалари орасида Исҳоқ Махдум домла 1951 йили унинг биринчи дипломи битирувчиларидан бўлди. Шундан кейин Наманган шаҳридаги “Шайх Эшон”, Тошкент шаҳрининг Қорасув мавзеидаги “Жўрабек”, Сирдарё вилоятидаги “Гулистон”, Ўш, Асака, Қўқон, Уйчи, Чуст шаҳарларидаги масжидларда имом-хатиблик вазифасида ишлади. “Мулла Қирғиз” мадрасасининг етакчи мударриси бўлди.

Устоз Исҳоқ Махдум Ислом фикҳи, тарихига доир бир неча илмий асарлар, “Тарихи Намангон” китобини таълиф этган.

Исҳоқ Махдум мумтоз адабиётни яхши билувчи, ўзи ҳам арузда ғазаллар битувчи назм таъбли олимлардан эди. Бу зотдан бир қанча ғазаллар, мухаммаслар, саёҳатномалар, яқин кишиларнинг вафотига бағишлаб ёзилган марсиялар мерос бўлиб қолган. Аммо минг таассуфки, уламонинг умр мазмуни бўлган ана шу асарлари турли сабабларга кўра тадқиқ қилинмай, нашр этилмай, қўлёзма ҳолатида турибди. Мулла Исҳоқ Махдум 1956 йили илк бор муборак ҳаж сафарига борди.

Мулла Исҳоқ Махдум Сотти Охунд ўғли 1994 йили 15 июнда Наманган шаҳрида вафот этиб, шаҳардаги “Мавлоно” қабристонига дафн қилинган.

**Абдулҳай ТУРСУН, фахрий имом**

# Гўзал хулқингиз туфайли Исломни қабул қилдим

– Маҳмуд, либосларни текшириб бўлдик. Сафарга отланяпман. Қарздорлар рўйхатини сенга ташлаб кетаман. Ким қарзини сўраб келса, дарҳол пулини қайтар. Қарздорларга эса кенглик қил. Яна бир нарсани эсдан чиқарма: баъзи кийимларнинг сифати яхши эмас. Уларни сифатлиларига қўшиб сотма. Мижозга молнинг айбини айтиб, ярим нархига сот. Харидор кийимнинг айбини кўрмаслиги мумкин. Лекин Аллоҳ билади, У Зот ҳолимиздан хабардор. Тижоратимизда Парвардигорга осий бўлсак, баракадан маҳрум бўламиз.

\* \* \*

– Менга айт-чи, бу кўйлакнинг нархи қанча?

– Икки минг дирҳам.

– Қиммат экан. Юртингизда меҳмонман. Карвоним Яманга қайтиш арафасида. Меҳмонни ҳурматлаб, уни менга минг дирҳамга берсанг.

– Меҳмон экансиз, кўйлакни сизга бир ярим минг дирҳамга бераман. Ундан камига сотсам, дўкон эгаси мени қийинчи.

Яҳудий кўйлакни олибоқ йўлга тушди. У кетганидан кейин Маҳмуд сифатсиз кўйлакни яхши кўйлак нархига адашиб сотиб юборганини пайқаб қолди. Ўзини қийинчи, хўжайинга нима дейишини ўйлаб хавотирга тушди.

\* \* \*

Сайфуддавла юртига қуруқ қўл билан қайтди.

“Энди келмаса керак”, деган важҳ билан унга аталган молни ўзга тижоратчига сотиб юборишганди. Кейинги савдогача ҳали олти ой бор эди. Сайфуддавлани бу ҳол қаттиқ ташвишга солди. Сабаби, дўконида фақат бир ойга етадиган моли қолган эди.

Сайфуддавла сафардан қайтиб, дўкондаги ишлар ҳақида сўради. Ишчисининг сифатсиз кўйлакни қиммат нархда сотиб юборганини билгач, харидор ҳақида суриштирди.

Маҳмуд кўйлакни яҳудийга сотгани, у мусофир бўлиб, карвони билан кеча Яманга қайтганини айтди. Сайфуддавла яҳудийни топиш учун карвон ортидан боришга тайёрлигини билдирганда, Маҳмуд ҳайратланиб: “Минг дирҳамни қайтариш учун ёлғиз ўзингиз саҳрода катта масофани босиб ўтасизми?” деди. Сайфуддавла: “Ҳа, гарданимда минг дирҳамдан қарз билан Аллоҳ таолога йўлиқолмайман”, деди.

Сайфуддавла карвонни топиш, пулни яҳудийга қайтариш учун йўлга чиқди. Ҳаво иссиқ, масофа олис эди. Сайфуддавла йўлда учратган ҳар бир карвондан яҳудий ҳақида суриштирди. Фақат сафарнинг учинчи куни яҳудийлар карвонига дуч келди. Улар орасида ўша яҳудийни топди ва унга бундай деди:

– Алҳамдулиллаҳ, ахийри сизни топдим. Сиз харид қилган кўйлак сифатсиз эди. Мана бу минг дирҳамни олиб қўйинг.

– Лекин мен кўйлақдан айб топа олмадим.

– Ёрдамчим ҳам хабарсиз ҳолда уни қиммат нархда сотиб юборибди.

– Минг дирҳам учун шунча машаққат чекиб юрибсизми?

– Ҳисоб кунида ушбу гуноҳни кўтариб турулмайман.

– Аллоҳга қасам, сиздек хулқли кишини ҳали кўрмадим. Ким сизни бундай қилишга ундади?

– Ислом дини. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Вайл бўлсин ўлчовдан уриб қолувчиларга. Улар одамлардан нарса ўлчаб олсалар, тўлиқ оларлар. Ва агар одамларга ўлчаб ёки тортиб берсалар, камайтирарлар”** (Мутоффифин сураси, 1–3-оятлар). Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Бизни алдаган бизлардан эмас”**, деб огоҳлантирганлар. Нега жим турибсиз, пулингизни олинг.

– Аллоҳга қасам, нима дейишни ҳам билмай қолдим. Мени бу гўзал хулқингиз



ва сўзларингиз билан хижолат қилдингиз.

– Нима демоқчисиз?

– Мен кўйлак харид қилишда қалбаки пуллар бергандим. Шу боис аввал юкимни шай қилиб, дўкондорга дирҳамни берибоқ йўлга отландим. Шундай қилсам, сотувчи қалбаки пулларнинг фарқига бормаиди, дедим. Сизни кўрганимдан кейин сохта пулларни бериб, кўйлакни қайтариб оласиз деб ўйладим ва дўстларим олдида шарманда бўлишдан кўрқдим.

– У ҳолда нима учун ҳозир пулларнинг сохта эканини эътироф этмоқдасиз?

– Сизнинг гўзал хулқингизни кўриб, ёмон хулқимдан уялдим.

Ислом динига кираман: “Аллоҳдан Ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг бандаси ва расули эканига гувоҳлик бераман!”

Шу тариқа яҳудий мусулмон бўлди ва карвонини ташлаб Сайфуддавлa билан Шомга, янги динни ўрганиш учун кетди.

Ургут тумани бош имом-хатиби  
**Абдуғани ҲАСАНОВ**  
тайёрлади.

Абдуғани Ҳасанов 1990 йили Самарқанд вилояти Ургут туманида таваллуд топган.

2015 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирган. Ургут туманидаги масжидларда имом ноиби бўлиб хизмат қилди.

2023 йили “Мулла Шоди” жоме масжиди ва Ургут тумани бош имом-хатиби этиб тайинланди.



## Гуноҳлар қаерга етаклайди?

*Ҳазрат Саййид Амир Кулол дейдилар:*

◆ Чиройли хулқли бўлиш насл-насабнинг ёмон тарафларини беркитиб туради.

◆ Ҳар доим, ҳамма вақт Расулуллоҳга эргашган кишини Аллоҳ таоло турли каромат, валийлик ва мақтовли хислатлар билан ораста қилур.

◆ Бизда неки яхши ҳол бўлса, барчаси гумномлигимиз (яъни хилват дар анжуман қилиб, хоксор бўлмоқ) самарасидир.

◆ Одам токи такводор бўлмас экан, Аллоҳ таоло уни бу тариқда – хожагон машойихининг муборак йўлида юргизмас.

◆ Зинҳор шариатга муҳолиф иш қилманглар. Чунки гуноҳлар инсонни жаҳаннамга етаклайди.

◆ Эй ёронларим! Шунини яхши билингизким, ҳар кимки Худойи табарока ва таолодан ботинида ҳам, зоҳирида ҳам кўркса, Худованд азза ва жалла барча нарсани у бандадан кўрқадиган қилиб кўяди.

◆ Худойи таолонинг маърифатига ошно бўлганликнинг аломати киши зоҳирда ҳам, ботинда ҳам Аллоҳ таолодан кўрқмоғидир. Такводор банда жаннатга киргуси. Чунончи, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло марҳамат қилдиким: *ذلك لمن خشى ربه* “Залика ли-ман хошийа Роббаҳ”, яъни: “Бу (жаннат) Парвардигоридан ҳақиқий кўрққан мўмин банда учундир”.

◆ Аллоҳ табарока ва таолонинг хос бандалари шул кимсалардирки, улар жаноб Расулуллоҳ алайҳиссалоту вассаломга мутобаат қилурлар, аҳли сунна вал жамоа ақидасига эътиқод қилиб яшайдилар. Шариатдан бир қадам ҳам четга чиқмайдилар, ўзларини Ҳақ субҳонаҳу ва таоло хизматига бахш этурлар. Дилларини ғафлат пардаси қопламаслиги учун ҳар доим хушёрдирлар, кундузлари ҳам, тунлари ҳам Каломуллоҳ тиловатида бардавомдирлар.

◆ Агар тариқат кишиси дунёга берилса, дуоси хижобланур, яъни дуо-илтижолари қабул бўлмас.

**Баҳриддин УМРЗОҚОВ** тўплади.



Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раиси, муфтий

саодат йўлини йўқотган кишидир. Бу жуда катта хатардир. Йўлида адашган кишини биров тўғри йўлга солиб қўйиши мумкин.

# Фитна – кўз илғамас хатар

(Давоми. Бошланиши  
ўтган сонларда.)

## ФИТНА – УЛКАН ВА ОҒИР ЗАРАР

Фикҳда икки зарардан бири – енгилини қилиш билан бартараф этиш қоидаси бор. Агар икки зарар бир ўринда келса ва уни қилмасликнинг иложи бўлмаса, катта зарардан сақланиш учун кичиги қилинади. Масалан, ҳаром ёки макруҳ иш бир жойда келиб қолди ва бирини қилишга мажбур бўлди. Шунда кичиги каттасини соқит қилади. Яъни, ҳаромдан кўра макруҳни қилиш тўғри бўлади. Суннатни тарк қилиш, динда фитнага учраш, ота-онага оқ бўлишдан бирини қилишга мажбур бўлиб қолса, фитна ва оқ бўлмаслик учун суннатни тарк этиш лозим бўлади. Иш шубҳали ёки ҳаром амални қилишни тақозо қилса, ҳаромдан сақланиш учун шубҳали ишни қилинади.

## АҚИДАДА АДАШИШ – ФИТНАЛАР БОШИ

Бугунги кунда бўлаётган тўс-тўполонлар, уруш-жанжаллар, бегуноҳ инсонларнинг молига, жонига бўлаётган тажовузлар, обод жойларни вайрон қилиниши, ҳамма ёққа фитна-фасод уруғлари сочилиши, гуноҳ ва жинойтлар кўпайиб бораётгани замирида ақиданинг бузилиши туради. Аввало, ақида ва адашиш сўзларини бироз таҳлил қилиб олайлик.

“Ақида” бир нарсани маҳкам тугун қилиб боғлаш маъносини англатади. Шунга кўра, эътиқод қўйиш лозим бўлган нарсаларни қалбга маҳкам туғиб қўйишдир.

“Адашиш” араб тилида “залолат” дейилади. “Залолат” йўлни йўқотиш маъносини беради. Ақидада адашган дунё ва охират



Лекин ақидада адашган инсонни дунё аҳли йиғилиб келган тақдирда ҳам йўлга солиш душвордир.

Шунинг учун банда Аллоҳ таолодан доимо ҳидоятга йўллашини сўраб дуо қилмоғи фарздир. Ҳар ишда бўлганидек, бу борада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга намунадир. У зот доим Аллоҳ таолодан ҳидоят сўраб дуо қилардилар. Анас розияллоҳу анҳунинг ривоятида ҳидоят сўраш дуосини саҳобаларга ҳам таълим берганлари айтилган.

Дуонинг маъноси: **“Эй Аллоҳим, ҳидоят қилган бандаларинг қаторида бизни ҳам ҳидоят қилгин”**.

Ҳидоятда юриш улуғ амал. Шунинг учун банда бу ишда доимо Аллоҳ таолодан мадад сўраши лозим. Фикҳ китобларида намозхон намозида Фотиҳа сурасини ўқиш вожиб дейилади. Бунинг ҳикмати нимада? Уламолар бунга: «Фотиҳа сурасида **“Бизни тўғри йўлга йўллагин”** дуоси бор», деб жавоб берадилар.

Шариатлар замон ва маконга қараб ўзгаради. Ақида эса ўзгармайди. Одам алайҳиссаломдан то қиёматга қадар барча мўминлар бир ақидада яшаб ўтмоқлари лозим.

Амаллар эътиқод устига қурилади. Агар эътиқод бузилса, амаллар ҳабата – бекор бўлади. Эътиқодсиз ёки эътиқоди бузуқ инсон шайтоннинг дўсти ва яқин ҳамроҳидир. Унинг амаллари сароб, шамол каби учиб кетади.

Ақида билмаган шайтона элдир,  
Агар минг йил амал қилса, елдир.

Бугунги глобал замонда интернет тармоқлари орқали турли ёт ғоялар ва бузуқ ақидалар тарғиб қилиб келинмоқда. Бу каби ҳолатлар катта-катта фитналарга сабаб бўлаётир. Замона уламолари уларнинг фитна ва хатарларидан одамларни, айниқса, ёшларни огоҳ этадилар.

## МУҚАДДАС ТУШУНЧАЛАРДАН “ФОЙДАЛАНИШ” ФИТНАСИ

Ақидаси бузуқ кишилар ижтимоий тармоқларда “шаҳидлик”, “жиҳод”, “ҳижрат”, “такфир”, “халифалик” каби тушунчаларни бузиб талқин қилишмоқда.

Айрим ёшлар уларнинг қўйган тузоқларига илиниб қолаётгани ачинарли ҳол, албатта.

Шу ўринда машҳур олим Муҳаммад Саид Рамазон Бутий раҳматуллоҳи алайҳнинг бу хусусда айтган сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ: *«Улар бир вақтнинг ўзида бирор айби йўқ муслмонларни кечаси бўғизлаб кетишни “шариат рухсат берган иш” дейдилар. Улар оддий йўловчилар тўла самолётни ичидаги айбсиз инсонлар билан қўшиб портлатиб юборишни ҳам “шариатда бор иш” дейдилар. Ҳар ким кўзларини юмиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бугун орамизда юрибдилар, деб ҳаёл қилсин. Ул зот шундай разил ишларга рози бўлармидилар?»*

Муқаддас динимиз беғуноҳ инсонни қўрқитиш, унинг моли ва жонига қасд қилишдан қайтаради ва бундай қабихликни катта гуноҳ деб баҳолайди. Ислом дини ва унинг вакиллари инсон тугул ҳатто ҷумолига ҳам озор беришдан ўзини эҳтиёт қилади. Бундай разолатни қилаётганлар дин номидан қанча гапирмасин, уларнинг даъволари сохта экани ҳаммага фош бўлиб улгурди.

## ИЛМГА АМАЛСИЗЛИК ФИТНАСИ

Уламолар гуноҳларни иккига тақсимлаганлар. Кабира ва сағира, яъни катта ва кичик. Бу ўринда гуноҳлар ҳақида батафсил сўз юритмоқчи эмасмиз. Балки кичик гуноҳларга оид жиҳатларга эътибор қаратмоқчимиз, холос.

Сағира гуноҳларни бир ёки икки марта қилиш билан кабирага айланиб қолмайди. Ўша сағирани бардавом қилиш билан унга кабира ҳукми берилади.

Уламолар: “Олтита нарса сабабли сағира кабирага айланади”, деганлар:

1. Сағирани доимий қилиш билан;
2. Уни бепарво қилиш билан;
3. Хурсанд бўлиб қилиш билан;
4. Одамларга шу иши билан фахрланиш;
5. Ошкор қилиб юриш билан;
6. Олим ёки муқтадолардан содир бўлиш билан.

Мана шу олти сабаб сағира гуноҳни кабирага айлантиради. Улардан ҳамиша эҳтиёт бўлишимиз лозим. Бу олти тақсим ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз. Мавзуга боғлиқ қисми – олим ёки муқтадолардан содир бўладиган сағира гуноҳлар ҳақида гаплашамиз.

Сағира гуноҳ олим ёки муқтадолардан содир бўлиши кабирага айланади.

Абу Ҳомид Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ: “Олимнинг аслида кичик ҳисобланган гуноҳ ила тойилиши кабира бўлади”, деб айтган. Олим зиммасида икки вазифа бор. Бири – гуноҳларни тарк қилиш. Иккинчиси, гуноҳ қилиб қўйса – яшириш. Яхшиликка эргашилганда ҳасанотлар зиёда бўлгандек, хатода ҳам салмоғи зиёда бўлади. Олимнинг либоси ва нафақасида мўътадил бўлмоғи лозим. Одамлар унга қараб тургани боис озроғига мойил бўлсин!

Олим, муқтадо ва пешволар ҳаммага ўрнак бўладиган кишилардир. Улардан содир бўладиган кичик гуноҳлар жоҳил ва мутаассиб кишиларга ҳужжат бўлади. Кўпинча уларга бу ишни қилманг, ёмон бўлади, дейилса, ҳўп дейиш ўрнига “палончи олим ёки пистончи улўф одам ҳам қилади-ку!” дейди. Уларга жавоб бериладик, одам боласи хато-камчиликдан холи эмас. Бунини Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам айтиб ўтганлар:

**“Одам боласи борки, хатокордир. Хато қилувчиларнинг яхшилари сертавбаларидир”,** дедилар (Имом Термизий ривояти).

Агар эргашмоқчи бўлсангиз, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашинг! Аллоҳ таоло Қуръони каримда у зотда гўзал ўрнак, намуна, ибрат борлигини айтиб бундай деган:

**“Дарҳақиқат, сизлар учун – Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар ҳамда Аллоҳни кўп зикр қиладиганлар учун – Аллоҳнинг Расулида гўзал ўрнак бордир”** (Аҳзоб сураси, 21-оят).

Усули фикҳ китобларида: “Олимнинг бир ҳаром ишни қилиши уни ҳалолга айлантириб қўймайди”, дейилади.

Илмли кишилар зиммасида икки карра масъулият борки, бунини бир лаҳза бўлса-да, эсдан чиқармаслик лозиму лобуд.

(Давоми бор.)

Ассалому алайкум ва  
раҳматуллоҳи ва  
барокатуҳ.

# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...



**САВОЛ:** *Ҳар ким ўзи хоҳлаган маз-  
ҳабга эргашини мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Қайси юртда мусулмонлар  
бир ақидада, бир фикрий маз-  
ҳабда бўлишса, бу уларга берилган буюк  
бир неъматдир. Чунки ақида ва фикрий  
мазҳаб бирлиги иноқлик, аҳиллик га-  
ровидир. Шунинг учун уламоларимиз  
мусулмонлар муайян бир мазҳабга эр-  
гашишлари вожиб деганлар. Чунки ҳар  
бир мусулмон ўзи мустақил Қуръон ва  
ҳадисдан ҳукм чиқаришга қодир эмас.

Аллома Абдулҳай Лакнавий ҳазрат-  
лари эса “Мажмуатул фатаво” китобида  
Шоҳ Валиюллоҳ Деҳлавийнинг бундай  
деганларини келтирган: “Ҳиндистон ва  
Мовароуннаҳр юртларида шофеъийлар ҳам,  
ханбалӣйлар ҳам, моликийлар ҳам йўқ. У  
юртларда яшовчи ижтиҳод даражасига ет-  
маган мусулмонларга ханафӣй мазҳабига  
эргашини вожиб бўлади...”

**САВОЛ:** *Араб тилини яхши билиш  
Қуръондан ҳукм чиқаришга асос бўла-  
дими?*

**ЖАВОБ:** Йўқ! Араб тилини яхши би-  
лишнинг ўзи Қуръони карим ва ҳадиси  
шарифдан ҳукм чиқариш учун етарли  
эмас. Балки яна бир неча шаръий илм-  
ларни, масалан, оятларнинг нозил бўлиш  
сабабларини, носих-мансукх, мутлақ ва  
муқайяд, омм ва хос каби усул ул фикҳ

қоидаларини, ҳадим илмини ҳам мукаммал  
билиши ҳамда улардан ўз ўрнида фойда-  
лана олиш кўникмасига эга бўлиши лозим.  
Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва сал-  
лам: *“Ким Қуръонни ўз фикрича тафсир  
қилса, дўзахдан ўзига жой тайёрласин”*,  
деганлар (Имом Термизий ривоят).

**САВОЛ:** *Жаноза намозларида сафлар-  
ни тоқ бўлиши ҳақида эшитиб қоламиз.  
Бу ҳақда динимизда нима дейилган?*

**ЖАВОБ:** Пайғамбаримиз соллаллоҳу  
алайҳи ва саллам бундай деган-  
лар: *“Кимнинг жанозасини уч саф мусул-  
монлар ўқиса, унинг гуноҳлари кечири-  
лади”* (Имом Абу Довуд ривояти, “Раддул  
муҳтор”).

“Муҳит” китобида бундай дейилади:  
“Жанозада сафларни камида учта қилиш  
мустаҳабдир. Агар жаноза ўқийдиганлар  
етти киши бўлса, бири олдинга чиқиб  
имом бўлади, орқасидан уч киши тура-  
ди, кейинги қаторда икки киши, охириги  
қаторда эса бир киши туради”.

**САВОЛ:** *Жинларнинг таъсиридан  
қандай сақланиш мумкин?*

**ЖАВОБ:** Жинлардан сақланишнинг  
энг осон йўли эҳтиёткорликдир.  
Жинларни инсонлар кўра олмайди. Чунки  
улар жуда латиф ва тезда турли шаклга  
кира олиш қобилияти билан яратилган.



Киши билмаган ҳолида қайноқ сув сепиб юбориб, бавл қилиб ва ҳоказо ишлар билан уларга озор етказганида жинлар унга зарар бериш билан интиқом олиши мумкин. Улар кўпинча шомдан кейин, яъни қоронғи тушаётган маҳалда тўзғийди, нажосатли жойларда, ахлатхоналарда озиқланади.

Жобир розияллоҳу анху ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай огоҳлантирганлар: **“Қоронғи тушса, болаларингизни таиқарига чиқишдан қайтаринг. Чунки у маҳалда шайтонлар тарқалади. Қоронғи тушганидан сўнг бирон соат ўтгач, уларни ўз ҳолига қўйинг. (Ётар маҳалда) Аллоҳнинг исмини (“Бисмиллаҳ”ни) айтиб, эшигингизни беркитинг. Аллоҳнинг исмини айтиб, чирогингизни ўчиринг. Аллоҳнинг исмини айтиб, мешингиз оғзини бозланг ва Аллоҳнинг исмини айтиб, идишингиз устини ёпинг. Ҳеч нарса топа олмасангиз, идиш устига бир чўпни қўндаланг қўйиб бўлса ҳам, беркитинг”** (Имом Бухорий, Имом Муслим ривояти).

**САВОЛ:**

**Олдинги даврларда уламоларимиз томонидан қибла қандай аниқланган, шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**ЖАВОБ:**

Имом Сарахсий “Мабсут”-да Имом Мотуридий раҳимахуллоҳнинг қиблани аниқлаш ҳақидаги сўзларини келтиради: “Ёзнинг энг узун кунда куёш ботиш ўрнини белгилаб қўйинг! Сўнг қишнинг энг қисқа куни ҳам куёш ботиш ўрнини белгилаб қўйинг! Ана шу икки белги орасидаги кенгликни тенг учга бўлинг, чап томондан биринчи ва иккинчи бўлақлар туташган чизик қибла бўлади”.

**САВОЛ:**

**Намозга ният қилишда ракатларнинг ададини айтиш керакми?**

**ЖАВОБ:**

Йўқ. Намознинг ракатлари сонини айтиш шарт эмас. Балки фарз, вожиб, суннат намоз эканини кўнгилдан ўтказиб ният қилиш керак. (“Мажмаул анхур”).

**САВОЛ:**

**Иймон ва унинг шартлари ҳақида маълумот берсангиз.**

**ЖАВОБ:**

Иймоннинг шарти қалб билан иқрор бўлиб, тил билан тасдиқлашдир.

Аллоҳ таолога, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан эканига, ўлгандан кейин қайта тирилишига қатъий ишониш мусулмонликнинг шартидир.

**САВОЛ:**

**Жинсий алоқадан кейин ювинмай ухласа бўладими?**

**ЖАВОБ:**

Агар намози қазо бўлмаса, жинсий алоқадан кейин ухлаш мумкин. Фуқаҳоларимиз: **“Жунуб киши ювинишни намоз вақти киргунга қадар кечиктирса, гуноҳкор бўлмайди”**, деганлар (“Фатавои ҳиндия”, “Муҳит”).

Машойихлар жунуб ҳолида ухлашдан каттиқ қайтаришади.

**САВОЛ:**

**Таҳажжуд намози қайси вақтда ўқилади?**

**ЖАВОБ:**

Хуфтон намозини ўқиб, бироз мизғиб олгандан кейин ўқиладиган намоз таҳажжуд намози дейилади. Таҳажжуд намозини бомдод вақти киргунча ўқиса бўлади. Энг афзали кечанинг охиригача учдан бир қисмида ўқишдир.

Таҳажжуд намозини 2 ракатдан 12 ракатгача ўқиса бўлади. Таҳажжуд намозида маълум сураларни ўқиш шарт қилинмаган. Икки ёки тўрт ракатдан ўқиса ҳам бўлади.

**САВОЛ:**

**Исм ўзгартирилса, нима қилиш керак?**

**ЖАВОБ:**

Шариатда исм ўзгартирилса, алоҳида маросим қилинмайди. Ўзгартирилган исми яқинларга билдириб қўйиш кифоя қилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво маркази  
(78) 150-33-44

# Ҳабавий ур башорат

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Менга уч нарсa севимли қилинди: хушбўйлик, аёллар ва кўз қувончим бўлмиш намоз”**, деганлар. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг барча сўзлари каби бу ҳадислари ҳам гўзал хулқ намунасидир.

**1. Хушбўйлик** – ҳар бир инсон табиати хуш кўрадиган нарсa. Расулимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам жисман ҳам хушбўй эдилар. Бирор кўчадан ўтсалар, ҳамма тарафни муаттар ҳид тутиб кетар, саҳобалар у зот ўтганини билар эдилар. Бир боланинг бошини силасалар, бошқа болалар унинг ёнидан кета олмай қоларди. Бутун оламдаги гўзал гуллар, чечаклар у зотнинг ифкорларидан баҳра оларди.

Ақида китобларида ҳар бир авлиёнинг каромати ўз пайғамбарининг мўъжизасига тобе экани айтилади. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ вафот этганида қабридан хушбўй таралгани, ҳатто одамлар қабр тупроғидан олиб кетишгани ҳақида ривоятлар бор.

**2. “Аёллар менга севимли бўлди”**, деганлари ҳам ҳис-туйғу тарбияси, пок муҳаббат, ҳалол жуфт бўлиб яшаш каби дунёвий ҳаётнинг асосий қоидаси намунасидир. Аёллар ҳис-туйғуга тезроқ ва кўпроқ берилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки аёли (Ойша ва Ҳафса) туфайли ўзларига ҳалол ишни ҳаром қилдилар.

Аллоҳ таолодан: **“Эй Пайғамбар! Нега хотинларингизнинг розилигини истаб, Аллоҳ Сиз учун ҳалол қилган нарсани (асални) ҳаром қилиб олурсиз!”** (Таҳрим сураси, 1-оят) деган танбеҳ тушди. Бу ўринда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларига нақадар кўнгилчан ва севимли бўлганлари аёнлашади. У зот ҳеч қачон аёлларига юзларини буриштириб қарамаганлар. Уларни “биллур қандиллар”, деб эркалаганлар. Кўнгилларини чўктирадиган сўз айтмаганлар. **“Оталари қазо қилган қизларнинг отаси менман, уларни хафа қилманглар”**, дея қизларни ҳимоясига олганлар. Зеро, Расулимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:



**“Аёллар эркакларнинг туғишганларидир”, “Жаннат оналар оёғи остидадир”**, деганлар. Чунки улар зурриётини юраги остида тўққиз ой асраб, озиқлантириб, сўнг оқ сути билан, сўнг қўли билан боқади. Айни пайтда, эрининг хизматида бўлади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга муносиб уммат бўламан деган эр аёлини эъзозлаши лозим.

**3. “Намоз – кўз қувончим”**. Ойша онамиздан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан олдин иситма сабаб бемажол бўлдилар. Намоз вақти кирганида Ойшага: “Абу Бакрга буюргин, одамларга намоз ўқиб берсин”, дедилар... Намозга такбир айтилганида: **“Мени кўтаринглар, менга ёрдам беринглар. Намозга чиқиб роҳатланмоқчиман. Мени кўтаринглар, намоз ҳаётимнинг мазмуни, кўз қувончимдир”**, дедилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам охирги сўзларида ҳам: **“Намозни қоим қилинглар! Сизларга намозни васият қилурман”**, дедилар. У зотнинг умматлари учун Ер юзининг барча покиза жойи исталган вақтда саждагоҳ қилинган.

Қиёматга қадар ҳаё, яхшилик, тартиб, поклик, муҳаббат, ризолик, оқибат деган тушунчаларнинг олий мақомларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга йўлбошчи эканлар, у зотга суюкли қилинган ишлар бизга ҳам севимли бўлмоғи керак.

Абдумуталиб ОТАБАЕВ,  
Жиззах вилояти “Холид ибн Валид”  
жоме масжиди имом-хатиби

Дину диёнатдан йироқ бир киши ижтимоий тармоқда бундай ёзади: “Кеча кечқурун ичимда жуда қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Қорним буралиб, ўзимни ичакларим узилиб кетгандай ҳис этдим. Шу он бирдан Аллоҳ ҳаёлимга келди. Гуноҳларим кўз ўнгимдан ўтди. Қилиб юрган ишларимга, намоз ўқимай, фисқу фужурга ботганимга афсус чекдим. Зудлик билан тавба қилдим”.

## Фитрат уйғонса, ғафлатда қолманг...

Аслида, инсон шундай бўлади. Бошига синов келдими, Раббисини эслаб қолади. Ҳатто ғайридин талабалар ҳам имтиҳон олдидан “Аллоҳ!” дейди. Дардига шифо тополмаган беморлар-да Яратганга ёлворишни бошлаб, ибодатга шўнғийди. Буларнинг барчаси табиий равишда, инсоннинг ич-ичидан келади. Нега синовли дақиқаларда одам Аллоҳга қайтиб қолади?

Ўтмиш саҳифаларини варақлайдиган бўлсак, тарихда урушлари билан ном қозонган қўмондонларми, жанглари билан барчани титратган аскарларми – барчаси жанг олдидан Раббиларини эслаганлар.

АҚШда чоп этиладиган журналларнинг бирида ҳеч қандай диний таълим кўрмаган аскар бундай ҳикоя қилади:

“Уруш пайтлари, парашют ўйлаб топилганига ҳали кўп бўлмаган эди. Мактабимда дин нималиги тушунтирилмаган. Қўпол қилиб айтсам, еб-ичишдан бошқасини билмайдиган бўлиб ўсгандим. Лекин парашютдан илк сакраганимда у ҳали очилмасдан туриб ич-ичимдан “Эй Аллоҳ!” деб нидо қилганман. Очилмай

қолса-чи, ерга қулаб тушсам-чи, деб роса қўрқиб кетганман. Бу сўз тилимга қандай келганидан ўзим ҳам ҳайрон эдим”.

Ҳа, ҳар инсон фитратда туғилган-у, бироқ фитратдаги кўп нарсаларни унутгандир. Бироқ оғир дамларда одам табиатида беркитилган нарсалар ўзини ошкор қилади.

Аслида, бу ажабланарли вазият эмас. Чунки инсоннинг қалб тубида бундай туйғу мавжуд ва йўқ бўлиб кетмас. Ўша нарсанинг номи фитратдир. Қийин вазиятларда инсоннинг ана шу асл фитрати уйғонади.

Баъзида бизни дунё юмушлари, ҳою ҳавасга берилиш, моддиятга муккасидан кетиш каби ишлар ўраб олади. Қачонки хавф-хатар туғилса, мусибатлар бошимизга келса, ночор қолишимиз биздан моддият чанглари қоқиб туширади. Бу пайтда аста асл ўзлигимиз, фитратимиз намоён бўла бошлайди. Хоҳламасак-да, беихтиёр қалбдаги фитрат юзага чиқади.

Кишини энг катта бойлиги унинг иймонидир. У қанчалик мустаҳкам бўлса, одам шунча ҳаловатда бўлади. Гоҳида бошига оғир ташвиш тушган ёки умрининг сўнгги дақиқаларини яшаётган хотиржам инсонларни кўриб ҳайрон бўласан. Нега бунчалар хотиржам? Ахир бу дунёнинг ғамлари бошини ҳам қилиб турибди-ку, дейсан. Лекин Аллоҳ берган иймон деган буюк неъмат борки, унинг олдидан ҳар қандай қийинчилик осон бўлиб кўринади. Аллоҳ иймонимизни ана шундай мустаҳкам қилсин.

**Исломбек ДАДАБОЕВ,**

Тошкент ислом институти  
Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва  
маърифат бўлими ходими







## “АЁ СОФИЯ” МАСЖИДИ ТАЪМИРЛАНАДИ

Туркия ҳукумати “Аё София” жоме масжиди тўлиқ таъмирланишини маълум қилди.

“Охирги марта у XX аср ўрталарида таъмирланган эди”, деб ёзади “Анадолу” ахборот агентлиги.

– Ҳозир мутахассислар масжиднинг рақамли лойиҳасини яратишмоқда. Тез орада режалар, кўринишлар ва бўлимлар тайёр бўлади. Сўнг дарҳол таъмирлаш бошланади, – деди архитектор Эҳсон Сари.



## ЯНГИ ҲИЛОЛЛАР ЎРНАТИЛДИ



Масжидул Ҳаромнинг барча минораларига қўлда ўйилган, янги зарҳал ҳилоллар ўрнатилди.

Мажмуасида жами 13 та минара мавжуд бўлиб, тепаларидаги

ҳилоллар юқори қувватли углерод толали ойна ва олтин билан қопланган. Мазкур ҳилолларнинг баландлиги 9, эни 2 метр.

## СИБИРДАГИ ИЛК МАДРАСА

Россиянинг Новосибирск мерияси Кировский туманида мадраса қуриш учун рухсат берди.

Мадраса учун 13152 квадрат метр майдон ажратилган, унинг 6380 квадрат метрига иншоот қурилади.



## ҚУРЪОНИ КАРИМНИНГ НОЁБ НУСХАСИ

Шаржа шаҳридаги халқаро китоб кўргазмасида Қуръони каримнинг ноёб нусхаси барчанинг эътиборини тортди.



Х–ХII асрларга оид Қуръон қўлёзмасини эронлик машҳур хатот Ибн Бавоб кўчирган. Қўлёзманинг асл нусхаси Мюнхенда Бавария давлат кутубонасида сақланади.

## БИР ҲАФТАДА 6 МИЛЛИОН ЗИЁРАТЧИ

Масжиди Набавийни бир ҳафтада 6 миллион 3 минг мусулмон зиёрат қилди.

Жумладан, 127 мингдан ортиқ киши Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабри жойлашган Равзаи Шарифда намоз ўқиш имконига эга бўлди.



## РОССИЯДА ЭНГ ЙИРИК МАРКАЗ БЎЛАДИ

2025 йили Чеченистон пойтахти Грознийда Мусо алайҳиссалом номидаги илмий-маърифий ислом марказини очиш режаланди.

Бу ҳақда Чеченистон маданият вазири ўринбосари Мамед Мадаев маълум қилди.

Грозний шаҳрида кўплаб исломий мажмуалар, масжидлар, ҳофизлик мактаблари қурилган ва ҳозир ҳам қуриляпти.

Марказ ҳудудида Россияда энг йирик илмий-маърифий мажмуа ва масжид барпо этилади.



Интернет маълумотлари асосида  
**НУРМУҲАММАД** тайёрлади.

# Онанинг меросдаги ҳолатлари

**Онанинг мерос олишида уч ҳолат бор. Онага ҳам худди отадаги каби мархумнинг бошқа меросхўрлари таъсир этади.**

**1.** Мархумнинг меросхўр фарзанди бўлса, она олтидан бир ( $1/6$ ) олади. Агар фарзанди бўлмай, ака-ука ёки опа-сингилларидан икки ва ундан кўп киши бўлса, онага  $1/6$  улуш берилади. Бунда икки ва ундан кўп ака-ука ва опа-сингиллар меросхўр бўлиши ёки бўлмасликларининг фарқи йўқ. Зеро, меросдан ҳажб (тўсилган) бўлган, яъни бошқа яқинроқ меросхўр сабаб меросдан тўсилган меросхўр бошқани ҳам ҳажб қилиши мумкин. Меросдан маҳрум бўлган шахс эса бошқани тўсолмайди. Масалан, мархум ортидан хотини, онаси ва ўғлини қолдирди. Хотинига саккиздан бир ( $1/8$ ) фарз улуш. Онага маййитнинг меросхўр зурриёти (ўғли) мавжудлиги учун олтидан бир ( $1/6$ ) фарз улуш. Ўғил асабалик жиҳатидан қолган меросни олади. Масаланинг умумий маҳражи (асли) 24 та улуш бўлади. Унинг  $1/8$  и бўлган 3 ни хотинига, онасига  $1/6$ , яъни 4 та улуш ва ўғил асабалик жиҳатидан қолган барча мерос 17 та улушни олади.

**2.** Маййитнинг меросхўр фарзанди бўлмаса ёки ака-ука ва опа-сингиллардан икки ва ундан кўпи бўлмаса, яъни аввалги ҳолатда мавжуд бўлган ворислар бўлмаганда она учдан бир ( $1/3$ ) улуш олади.

Мисол: бир аёл вафот этиб, ортида онаси ва икки туғишган ака-укаси қолди. Она олтидан бир ( $1/6$ ) фарз улушни олади. Икки туғишган ака-ука асабалик жиҳатидан қолган барча меросни олади. Масаланинг асли 6 та улуш бўлиши керак. Аммо 6 нинг ( $5/6$ )и бўлган 5 асабалик улушини икки туғишган ака-укага касрсиз тақсимлаб бўлмайди. Бу ҳолатда масаланинг аслини қуйидагича тасҳиҳ қиламиз: туғишган ака-укалар сони 2 ни масаланинг асли 6 га кўпайтирамиз. Ҳосил



бўлган 12 масаланинг тасҳиҳи қуйидагича: онага ( $1/6$ ) олтидан бир 2 та улуш, икки туғишган ака-ука асабалик жиҳатидан қолган барча мерос 10 та улушни ҳар бирлари 5 та улушдан олишади.

**3.** Маййитнинг ортида эри ёки хотини ва отаси билан қолган онага эр ёки хотинлардан бири ўз улушини олгач, қолган молнинг учдан бири ( $1/3$ ) берилади. Ота эса, охирида асабалик жиҳатидан қолган мероснинг барчасини олади. Бу ҳолатда онанинг улуши отаникидан кўп бўлмаслиги учун, она – эр ёки хотин ўз улушини олгач, қолган молнинг учдан бири ( $1/3$ ) ни олади. Ушбу масала мерос илмида “Умария масаласи” деб аталади. Чунки меросни мазкур кўринишда илк бор Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу тақсим қилган.


Умария масаласига мисол: бир киши вафот этиб, ортида хотини, онаси ва отаси қолди. Хотинига тўртдан бир ( $1/4$ ) фарз улуш. Она маййитнинг хотини ўз улушини олгач, қолган улушнинг учдан бири ( $1/3$ )ни олади. Ота асабалик жиҳатидан қолган барча меросни олади. Масаланинг асли 4 унинг бир улуши, яъни  $1/4$  қисми хотинга, она қолган 3 улушдан учдан бири ( $1/3$ ) бўлган 1 та улушни, ота асабалик жиҳатидан қолган барча мерос, яъни 2 та улушни олади.

**Саиджамол МАСАЙИТОВ,**  
Фатво маркази бош мутахассиси



# Иймони бор синовдадир

Иймоннинг етти шарти бўлса, шулардан бири тақдирга, яъни яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан эканига қатъий ишонишдир. Аммо кўпинча бизга бирор мусибат етса: “Агар ундай қилсам, бундай бўларди, нега шунақа бўлди?” дея афсус чекамиз. Аксинча, бирор муваффақиятга эришсак: “Ақлимни ишлатиб ундай қилдим, бундай қилдим”, дея ғурурланамиз. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тақдиримизга битилгани ёдга ҳам келмайди.



Аллоҳ таоло: “Сизларни бироз хавфхатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириш йўли билан синагаймиз”, деб марҳамат қилади (Бақара сураси, 155-оят).

Шу маънода Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Одамларнинг энг қаттиқ синовга дучор бўладиганлари пайғамбарлардир, улардан кейин солиҳ зотлар, кейин уларга яқинлар ва ундан кейин уларга яқинлардир. Киши динига қараб имтиҳонга солинади, агар динида салобат бўлса, синовни ҳам зиёда қилинади, агар динида енгиллик бўлса, синовни ҳам енгил қилинади. Бандага синовлар келаверганидан, у охир-оқибат бориб Ер юзида гуноҳи қолмаган ҳолда юрадиган бўлади**”, деганлар (Имом Термизий ривояти).

Бундай синовлар ҳар бир кишига берилади. Бойлар мол-дунё, олимлар илми билан, амалдорлар амали, камбағаллар ночорлик билан синалади. Шунингдек,

инсон офатлар, машаққату касалликлар билан ҳам синалса, айримлар яқинлари, яъни нобоп эр ё хотин, фарзанд ёки қўни-қўшниси билан ҳам синалиши мумкин. Кишининг кимлиги мана шу онларда намоён бўлади. Иймони мустаҳкам банда бу ишларнинг барчаси Аллоҳдан эканига инонади ва тақдирига рози бўлади. Аксинча, иймони заиф киши ҳаётидан норози бўлиб, афсус-надомат қилади.

Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда: **«Агар сенга мусибат етса, “Агар ундай қилганимда, бундай қилганимда”, дема. Лекин “Аллоҳ тақдир қилди ва хоҳлаганини қилди”, дегин. Албатта, “агар” (дейиш) шайтоннинг амалини очади**», деганлар (Имом Муслим ривояти).

Бундай синовлар гоҳида бутун бир миллату элатларга, қавмларга ҳам бери-

Жўрабек Эргашев 1979 йили Балиқчи туманида таваллуд топган.

2000 йили “Мулла Қирғиз” (ҳозирги “Ҳидоя”) мадрасасини, 2020 йили Тошкент ислом институтини битирган.

2018 йилдан буён “Мулла Хидирали” жоме масжиди ҳамда Балиқчи тумани бош имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.





лиши мумкин. Худди Од қавми жуда бақувват ва бой-бадавлат бўлгани каби. Самуд қавми ҳам ниҳоятда тўкин ҳаёт кечирар эди. Аммо улар кибрга кетиб, бу дунё синов эканини англамадилар ва ҳалокатга учради. Бани Исроил қавми неча йиллар Фиръавн зулмида ва сарсон-саргардонликда яшади. Вақт ўтиб Аллоҳ уларни Фиръавн зулмидан халос этиб, кўплаб неъматлар ато этди.


Айни кунда баъзи фаластинликлар шу каби машаққатларни бошидан кечириётган бўлса, XX аср бошларида халқимиз ҳам ана шундай оғир дамларни ўтказган. Босқинчилар ота-боболаримизнинг руҳини синдириш учун неча йиллар давомида қирғину қатағонлар, тайзиқлар уюштириб, иймонидан, ўзлигидан айиришга ҳаракат қилди. Оқибатда боболаримиз ҳаловат нима-лигини билмай, салкам бир асрга яқин хавотирда яшади. Шукрки, халқимиз бундай машаққатни матонат сабр билан енгди. Иймон-эътиқодини, тилини, ўзлигини сақлаб ҳурриятга етишди.

Қуръони каримда: **“Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир”** (Шарҳ сураси, 6-оят) дейилади. Ҳадиси шарифда эса Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Албатта, ёқтирмайдиган нарсаларингга (яъни мусибатларга) сабр қилишингда кўпдан-кўп яхшиликлар бор. Аллоҳнинг ёрдами сабр (қилинганда) бўлади. Албатта, шодлик машаққатдан сўнг келади. Албатта, қийинчиликдан сўнг енгиллик келади”**, дея таъкидлаганлар (Имом Аҳмад ривояти).

Бу оят ҳадиснинг ҳаётдаги исботини кўп бор кўрганмиз. Бирор машаққатдан сўнг, албатта, қувончли кунлар келганига гувоҳ бўлганмиз. Вақт ўтиб бу синовлар бизга яхшигина сабоқ ва ҳикмат бўлганини тушуниб етганмиз.

**Жўрабек ЭРГАШЕВ,**

Балиқчи тумани бош имом-хатиби



**Деярли ҳар куни турли ёшдаги одамларнинг вафоти ҳақида эшитамиз. “Ҳали вақт бор...” деган мавҳум шивирдан хотиржам юрамиз. Мусулмон киши, аввало, иймонсиз ҳолатда омонатни топширишдан эҳтиёт бўлиши керак.**

Одам табиятан ҳар нарсанинг яхшисини қўлга киритишни истайди. Масалан, ҳашаматли уй, замонавий улов, ҳеч кимда йўқ либослар... Буларга етишиб, боладек севилади. Ҳолбуки, тўғри ҳаёт кечириш тақво биландир: “Ким қандай яшаса, шундай вафот этади, қандай ўлим топса, шундай тирилтирилади”.

Мўмин учун катта хавф гуноҳлардир. Зеро, кироман котибин фаришталар ҳар бир ҳаракат ва сўзимизни қолдирмай ёзиб боради. Гуноҳларимизни ўзимиз унутсак ҳам, фаришталар унутмайди. Охиратда юзни қора қиладиган ҳар қандай ишдан сақланиш, қиёмат куни амал дафтаримиздан чиқиб келадиган салбий ишлардан тийилиш керак. Дунёга алданиш ҳам мўминни ҳалокатга етаклайди. Чунки моддиятга муҳаббат барча ёмонликларнинг бошидир. Кибр, ҳасад, фитна, адоват, душманлик, ёлғончилик каби гуноҳлар шу туфайли содир бўлади.

Бирор кимса қачон ва қай ҳолда ўлишини билмайди. Шундай бир кунимиз борки, унинг оқшомини ёки шундай бир тунимиз борки, унинг тонгини кўролмаймиз. Эртанги кунга кафолат йўқ. Шундай экан, мусулмон одам омонатни иймон билан топширишга тайёр туриши зарур.

**Мардиқул СИДДИҚОВ,**

Хатирчи тумани



## Истиқлол туфайли адолат қарор топди

**Бу йил ҳаждан келган биродарларимизни зиёрат қилиб, дуоларини олар эканман, яқин ўтмишда бўлган воқеани ўртоқлашгим келди.**

...1989 йил. Республикамиз Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутасаддиларининг тавсиясига биноан Яқин Шарқ мамлакатларидан бирига икки йиллик хизмат сафарига юборилдим. У ерда ўсимликларни экологик тоза, яъни биологик усулда зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилиш мақсадида режага мувофиқ ҳамкорликда биологическая лаборатория очдик. Ишларимиз эътироф этилди.

1990 йил ёзида икки ойлик таътил вақтим яқинлашиб, жонажон Ватанимга, Сирдарё вилояти Ильич (ҳозирги Сардоба) туманига ота-онаю дўст-ёрлар дийдорига ошиқа бошладим. Таътилга бориб келишдан яна бир мақсад ўша вақтда кўпчилик учун орзу бўлган “Газ-24” енгил машинасини сотиб олиб, уйга қўйиб келиш эди.

Яқин Шарқ мамлакатлари раҳбарларидан бири сиёсат шу тарзда давом этса, худди Болтиқбўйи республикаларида бўлгани каби бошқа иттифоқдош

республикалар ҳам мустақиллик эълон қилиб юборишлари мумкин, у ҳолда “Газ-24” машина заводи Россия ихтиёрида қолиб кетади, уни божхонадан ўтказиш муаммога айланади, дея мени огоҳлантиришганди.

Лекин Зиёд Кейси жаноблари: “Биологическая лаборатория фаолияти нозик иш бўлиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги назоратида фойдали ҳашаротларни кўпайтириш анча мураккаб, шунинг учун таътилга чиқмаганингиз маъқул”, дея илтимос қилди. У киши: “Шу ерда сизга ҳужжатларни расмийлаштириб берамиз, сўнгги русумдаги енгил машина олиб берамиз, ҳайдаб кетаверасиз ёки иш ҳақингизни икки барабар тўлаймиз!” қабилидаги бошқа таклифларни ҳам айтди.

Мен эса атрофимиздаги араб мутахассислари ҳаж зиёратига бориб келганига ҳавасда эканимни билдириб: “Майли, таътилга кетмайман, эвазига мени ҳаж сафарига юборсаларинг!” дедим. “Муаммо эмас!” дея хурсандчилик билан қабул қилишди.

Хуллас, зулҳижжа оyi ҳам кириб келди. Каминани ҳаж сафарига жўнатиш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари Бокуда ўқиб келгани учун рус тилини мукамал била-





диган Жума исмли мутахассис-га юклатилди. Пировардида у киши билан жўнашга рухсат олиш учун Совет консули А.Козлов ҳузурига бордик, мақсадимизни тушунтирдик. Консул мени койиб кетди ва: “Мумкин эмас!” деди қатъий. Қўлтиғимиздан тарвузимиз тушиб, ортга қайтдик.

Орадан бир неча кун ўтиб, оқшом менинг яшаш жойим-га таржимонимиз Фарҳод Юсупов келди ва дастлаб хуш-хабар айтди: “Сизни ҳажга юборишга рухсат этилди!” Аммо хурсандчилигим дарров йўқолди. “Лекин сиз соғлигим яхши эмас, дея ҳажга бориш-ни рад этишингиз керак, акс ҳолда, ўзингизга қийин бў-лади. Дўстона айтяпман, хафа бўлманг!” деди.

1991 йил май ойида Қишлоқ хўжалиги вазири ташриф бу-юриб, фаолиятимиздан қо-ниқиш ҳосил қилди ва мин-натдорлик билдирди. Суҳбат давомида Зиёд Кейси вазирга мен ҳақимда гапириб, амалга ошмай қолган келишувимиз-ни таъкидлаб ўтди. “Хафа бўл-манг, – деди вазир тасалли бериб. – Яқинда Ўзбекистон мустақил бўлиб, Саудия Ара-бистони билан алоқалар ўр-натилади, мана, мени айтди дерсиз!”

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин, шундай ҳам бўлди. Ватанимга қайтиб келгач, кўп ўтмай кўпчилик юртдошлари-миз қатори каминага муборак ҳаж сафарига бориш насиб этди.

**Бозорбой ДУШАНОВ,**  
*Сардоба тумани*

## Телефон тузук, болалар – “бузук”ми?..



Сершовқин шаҳарнинг кичик йўлкаси бўйлаб бир мўйсафид кетиб борарди. Юзлари ажинга тўла, қошлари ўсиқ бу одам кўзларини ерга тик-канча оҳиста қадам ташларди. Шошилиб, тез-тез кетиб бораётган йўловчилар, ўриндиқларда гап сотиб ўтирган бекорчилар, шунчаки сайр қилиб юрган ўткинчилар – ҳеч ким унга эътибор бермасди. Қария юра-юра телефон устахонаси олдида тўхтади.

– Болам, шуни бир кўриб берсанг. Ишламай қопти, шекилли.

Уста эски русумдаги абгор телефонга ажаб-синиб қаради. “Ёшини яшаб, ошини ошаган” бу матоҳ тузатишга арзирмикан? Телефоннинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечирган бўлди, қувват олишини текширди, қўнғироқ қилиб ҳам кўрди. Ҳаммаси жойида.

– Отахон, телефонингиз бузук эмас. Ишляпти. Мабодо синдириб қўймасангиз, сизга умрбод хизмат қилади бу! Эски телефонларнинг жони қаттиқ бўлади, – деди уста.

– Ишляпти, дегин... – Чолнинг кўзлари бир-дан ёшланди. – Унда нега болаларим менга қўнғироқ қилишмаяпти?

Мўйсафиднинг кўзларидаги мунг ва изтиробга бардош беролмаган уста нигоҳини бошқа томон-га олиб қочди.

**Ориф ТОЛИБ**



## Кун каби ўтди умр...

### БИЛМАДИМ

Бир қўлимда қалам бор, бир қўлимда оқ қоғоз,  
Ўтди қанча ой, йиллар, саксон олти кишу ёз.  
Кун каби ўтди умр, ёзолмадим бир баёз,  
Вақт ўзи олий ҳакам, меҳмонлигим билмадим.

Ўттиз икки гавҳарим, ки кетди кўп ўпкалаб,  
Катта бўш қўрғонаро қолди забон лаб ялаб.  
Кўзда нури сўнмоқда китоб ўқиб ҳижжалаб,  
Белда қувват, кўзга нур дармонлигин билмадим.

Ломакон майдонида қилса иймон ҳақ талаб,  
Мушқулимни қил осон, қолмайин ерга қараб.  
Савобдан гуноҳим кўп, тавба қилай битталаб,  
Ўйламай қўйган қадам армонлигин билмадим.

Оёғим саккиз чизар, олдда соям сирғалар,  
Кўзга кўринмай қолган майда-майда жилғалар.  
Яхши отга бир қамчи, тўғри йўлдан йўрғалар,  
Ортда қолган ҳар қадам дostonлигин билмадим.

Эй Худойим, мен ғариб, Ўзинг ҳамроҳим бўлгин,  
Тавба қилдим, гуноҳим раҳматинг ила ювгин.  
Ар-Раҳмону ар-Раҳийм исминг дилга жо қилдим,  
Бесамар ўтган умр вайронлигин билмадим.

**Очил ҳожи АСЛАНОВ,**  
*Денов тумани*

### КУЗ

Хазонрезги боғда кезяпман маҳзун,  
Маъюс мисраларни пичирлайди лаб.  
Кузги япроқ каби титрайди қалбим,  
Умрим баҳори ҳам ўтганин ўйлаб.

Қарайман шохларга додлаб ёпишган,  
Энг сўнгги барглари чирт узар шамол.  
Айрилиб тилларанг кўйлакларидан  
Яланғоч дарахтлар ингранар беҳол.

Уятдан қизариб иболи қуёш  
Булутни юзига парда қилади.  
Булут ҳам беармон тўкади кўз ёш,  
Исёнкор чақмоқлар бағрин тилади!

Шум ялмоғиз каби совуқ изғирин  
Бенажот боғларни қучиб елади.  
Эй инсон, тинглагин сукунат куйин,  
Билсанг гар, бир зумда қишинг келади...

**Муқаддасбону АҲМАДЖОНОВА,**  
*Бешариқ тумани*

### ҲАЁТ ОРТГА ҚАЙТСАЙДИ

Ҳаёт ортга қайтмайди,  
Қайтса, мен ҳам қайтардим.  
Энг аввало Қуръонни  
Ўқиб, ёддан айтардим!

Ҳадисларни маржондай  
Қалбга тақиб олардим.  
Бошоғи йўқ сомондай  
Яшаб нима қилардим?!

Ўтмишдаги хатолар  
Такрорланмасди шунда.  
Ичимдаги нидолар  
Тарқаб кетарди зумда.

Ҳаёт ортга қайтсайди,  
Яшардим чин мўминдай.  
Яхшиям умидим бор,  
Бойлигим бор иймондай.

**Исмат ИСМОИЛОВ,**  
*Қорақўл тумани “Қабул ота”  
жоме масжиди имом ноиби*

### ЭСЛА

Тонгда уйғонганда тушингни эсла,  
Тушда қилган ҳар бир ишингни эсла.  
Умр узун тушдир, билсанг, субҳ яқин,  
Ёзинг ўтиб бўлди, қишингни эсла...

Отанг қаён кетди, онанг қаёнда?

Улоқиб юрибсан ҳануз гумонда.

Бир майса кабисан бу кенг маконда,  
Сархушлигингни қўй, ҳушингни эсла.

Эртадан кечгача мол деб югурдинг,  
Тўғри келган жойга ўзингни урдинг,  
Умрингни беҳуда елга совурдинг,  
Ўзи ёриб чиққан тишингни эсла...

Тириклар ўликлар кабидир асли,  
Жуда ҳам яқиндир уйғониш фасли,  
Умр кун кабидир уч-тўрт нафасли,  
Кечаги, бугунги ёшингни эсла...

Тананг тупроқдандир, унга қорилар,  
Паймона тўлганда нафсиз дорилар,  
Борса келмас йўлдан тезда борилар,  
Учишга шай турган қушингни эсла...

Ё Аллоҳ! Бандангни ғафлатдан асра,  
Фойдасиз кейинги надомат, ҳасрат.

Сажда изларидан Ўзинг нур тарат,  
Маҳшарда қалтираб туришингни эсла...

**Абдулатиф АБДУЛЛОХ,**  
*Қамаши тумани*

**НАМОЗНИНГ ФАРЗ БЎЛИШИ**

Хузн йили Маккада ғамгин,  
Кезарди Раҳматан лил-оламин.  
Жаброил Буроққа миндириб,  
Кетдилар Каъбани қолдириб.  
Масжидул Ақсога етишди зумда,  
Намоз ўқиб олдилар унда.  
Икков кўтарилди самога,  
Яқинлашди Ҳақ таолога!  
Биринчи кўда Одам Ато,  
Сўнг Марям, Йисо ва Яҳё.  
Юсуф эрди учинчи самода,  
Идрис кейинги поғонада.  
Бешинчида ҳазрати Ҳорун,  
Мусо макон тутмиш сўнг ўрин.  
Еттида Иброҳим Халилуллоҳ,  
Сўнгриси Сидратул Мунтаҳо...  
Аллоҳ амр этди намозни,  
Кунига элликта, деб фарзни.  
Расулуллоҳ қайтар эдилар,  
Сўраганга айтар эдилар.  
Мусо деди: “Умматга қийин,  
Бунчани эпложмайди, тайин”.  
Хуллас, Расул Раббига борди,  
Намоз ўн баробар қисқарди.  
Аллоҳ деди: “Беш вақт қолдирдим,  
Лек савобини нақд қолдирдим.  
Ким беш маҳал намозга чопар,  
Эллик намоз савобин топар”.  
Шундай экан, эй азиз банда,  
Намозингни қилма ҳеч канда!

**Нормирза ҳожи РАҲМАТОВ,**  
*Уйчи тумани*

**САҲОБАЛАР**

Ҳаётлик пайтида жаннатий бўлган,  
Ўлганда шаҳидлик мақомин олган,  
Қалблари иймоннинг нурига тўлган,  
Расулуллоҳнинг саҳобалари.  
Расули Акрамга жонлари фидо,  
Жисмию руҳи бир – Ҳақ деган садо,  
Қабрлари узра тинимсиз дуо,  
Расулуллоҳнинг саҳобалари.  
Аллоҳнинг ишқида тўкилди кўз ёш,  
Саждада қолдилар қанча олтин бош,  
Мушриклар зулмига бердилар бардош,  
Расулуллоҳнинг саҳобалари.  
Иймонин дунёга алишмадилар,  
Обрў ҳам мансабни талашмадилар,  
Ҳақ йўлга юришдан оғишмадилар,  
Расулуллоҳнинг саҳобалари.  
Етимнинг артдилар кўздан ёшини,  
Олдилар елкалаб оғир тошини,  
Кафтида тутдилар емай ошини,  
Расулуллоҳнинг саҳобалари.

Дилдаги муҳаббат юзларда аён,  
Аллоҳ деб урарди танидаги жон,  
Расули Акрамга бўлдилар қалқон,  
Расулуллоҳнинг саҳобалари.

Кошки мен сиз билан замондош бўлсам,  
Расули Акрамнинг изларин ўпсам,  
Ҳеч йўқ, даврингизни тушимда кўрсам,  
Расулуллоҳнинг саҳобалари.  
Субҳда ширин бир насим елади,  
Оппоқ тонг қалбимни оққа белади,  
Мен сизни соғиниб кўргим келади,  
Расулуллоҳнинг саҳобалари.

**Ёқутхон ОБИДОВА,** *Асака тумани*

**ЧИН ТАВБА**

Тил учида тавбани жуда ҳам кўп айтамыз,  
Айтамыз-у, лек яна ёмон ишга қайтамыз.  
Мабодо Аллоҳ энди кечирмаса нетамиз?  
Суяклар чатнамаса, тавбамиз тавба эмас.  
Аллоҳнинг раҳми чексиз, жуда кўп кечиради,  
Ўнгланишга қайтадан имконият беради.  
Ўнгланишга бандаси сўнг ўзидан кўради,  
Суяклар чатнамаса, тавбамиз тавба эмас.  
Ўнгланишнинг бир йўли чин пушаймон бўлишдир,  
Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигини билишдир.  
Исломнинг беш устун узра қоим туришдир,  
Суяклар чатнамаса, тавбамиз тавба эмас.  
Чин тавба насиб қилса, гуноҳлар ювилади,  
Раҳмли Зот раҳмидан савобга айланади.  
Йиғлаб сўрайлик, кўзёш нажотга айланади.  
Суяклар чатнамаса, тавбамиз тавба эмас.

**Абдулҳамид ҚУРБОНОВ,**  
*Қўшрабат тумани*

**БИЛМАСА**

Дил деманг, ул дил агар дилдор қадрин билмаса,  
Ҳақ Эгам берган чирой – рухсор қадрин билмаса.  
Лаззатин билмай ўтар юз йил умр кўрса агар,  
Эр билан хотин ширин рўзгор қадрин билмаса.  
Ул киши бир томчи сувга зор бўлгай бир куни,  
Олдидан оққан тиниқ анҳор қадрин билмаса.  
Йўлдан озган йўлда қолгай, етмагай бир манзилга,  
Тўғри йўлга чорлаган шунқор қадрин билмаса.  
Сўзладинг ҳақ сўзни, Комил, баҳра олсин эл дея,  
Ҳеч куйинма эл агар ашъор қадрин билмаса.

**Комилжон АҲМАДЖОНОВ,**  
*Шаҳрихон тумани*

# Савдо-сотиқнинг ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ

**Биринчи қоида.** Эй мусулмон тижоратчи, Раззоқ Зот бўлган Аллоҳ таоло ҳузуридан сенга битилган тақдирга рози бўл. Бу йўлда таваккал қилиб иймонингга ярашадиган бир мақомга эга бўл. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Агар сиз ҳақиқатан ҳам тўлиқ иймон билан Аллоҳга таваккул қилганингизда эди, тонгда оч чиқиб, оқшомда тўқ ҳолда уясига қайтадиган қушларни ризқлантиргани мисоли Аллоҳ сизни ҳам мутлақо ризқдан насибадор қилган бўлар эди”**, дедилар (Имом Термизий ривояти).

**Иккинчи қоида.** Эй мусулмон тижоратчи, Аллоҳ таоло жорий этган ҳалол ва ҳаром чегараларга риоя қилиб, шубҳали нарсалардан юз ўгиргин. Токи номус ва ҳамиятингга доғ тушмасин.

**Учинчи қоида.** Эй мусулмон тижоратчи, ризқ талабида эрта тонгдан ҳаракат қилиб, уйингдан чиқишинг, кўёшни уйғотишинг лозим. Шунда асл баракага эга бўласан. Ҳазрат Али розияллоҳу анҳу айтади: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: **“Ё Аллоҳ, умматим учун эрта тонгни баракали қил”** (Имом Абу Довуд, Имом Ибн Можа, Имом Термизий, Имом Даромий, Имом Аҳмад ривоятлари), деб дуо қилганларини эшитдим».

**Тўртинчи қоида.** Эй мусулмон тижоратчи, олишда ва сотишда, қарз беришда ва олишда доимо осонлик ва қулайликни асос қилиб ол. Шунда тижоратингни хотиржам бир тарзда амалга оширган ҳолда Аллоҳнинг раҳматига эришасан.

**Бешинчи қоида.** Эй мусулмон тижоратчи, сотаётган молингни сифатини туширадиган ва қийматини камайтирадиган бир қусур мавжуд бўлса, буни харидорга очиқчасига айт. Акс ҳолда, фойданга ҳаром аралашиб, ўзинг бировларнинг лаънатига қолиб кетишингга сабаб бўлмасин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай огоҳлантирганлар: **“Кимки қусури бор молини сотаётгани ҳа-**

**қида харидорини воқиф этмаса, доимо Аллоҳнинг ғазаби ва фаришталарнинг лаънати остида бўлади”** (Имом Ибн Можа ривояти).

**Олтинчи қоида.** Эй мусулмон тижоратчи, фоиз борасида жуда хушёр бўлишинг, фоиз олмаслигинг ва бермаслигинг, фоиз аралашган жойда турмаслигинг ва бу хусусида ғоятда эҳтиёт билан йўл тутишинг лозим. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уйилган қовоқлари ва оғир танбеҳларига рўбарў бўлмайсан. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фоиз берганини, уни олганини, буни қайд этган китобни, яъни уни қоғозга туширувчи кишини ва бунга гувоҳлик қилган шохидларни лаънатладилар ва уларнинг барчаси у гуноҳга тенг шерикдир, дедилар”.

**Еттинчи қоида.** Эй мусулмон тижоратчи, қиладиган ишингни собитлик ила бажармоғинг, сабрли бўлишинг ва ҳисоб-китобда яқин замонни эмас, балки узоқни кўзлаб ҳаракат қилмоғинг лозим. Шунда муваффақиятга эришасан. Ойша розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Аллоҳ таоло сизлардан бир киши учун бир томонни – нарсани ризққа сабаб қилиб қўйса, бу ўзгаргунча**

Оқилхон Аҳмедов 1977 йили Қамаш туманида туғилган. 1999 йили “Мир Араб” мадрасасини, 2021 йили Тошкент ислом институтини битирган.

2002 йилдан буён “Алишер Навоий” жоме масжиди ва Қамаш тумани бош имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.







**ёки қийинлашгунча уни тарк этмасин, яъни ундан воз кечиб кетмасин” (Имом Ибн Можа ривояти).**

**Саккизинчи қоида.** Эй мусулмон тижоратчи, дунё моли кўзни қамаштирувчи ва ёқимли эканини, аммо Аллоҳ таоло ҳузурида фоний ва қийматсиз эканини ҳеч қачон унутмагин. Шунда ҳирс ва тамагирлик домига тушиб, дунё талабида ҳаддан ошмайсан.

**Тўққизинчи қоида.** Эй мусулмон тижоратчи, молингни лойиқ бўлган баҳодан ошириб сотиш учун нотўғри йўлларга кириб қолмаслигинг ва харидорларни асло алдамаслигинг лозим. Ўшанда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳақиқий уммати бўлиш бахтини қўлдан чиқармаган бўласан. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Алдаган киши биздан эмасдир”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

**Ўнинчи қоида.** Эй мусулмон тижоратчи, жаннатда энг яхши дўстлар билан қўшни бўлиш саодатига эришай десанг, ўз ишинг ва тижоратингни тўғрилиқ асоси устида бино этишинг ва ҳеч қачон ҳақиқатдан айрилмаслигинг лозим. Тўғрисўз ва ишончли тижоратчилар набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўладилар.

Манбалар асосида Қамашитумани бош имом-хатиби  
**Оқилхон АҲМЕДОВ** тайёрлади.

## Бекорчидан Худо безор

**И**нсон ҳаётда ўз ўрнини топиши, бахтли ҳаёт кечириши, эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор қозониши учун тинимсиз меҳнат қилиши зарур. Аммо умрни мазмунсиз ўтказиб, бирор эзгу ишга қўл урмай, на ўзига, на жамиятга фойда келтирмасдан яшаши жуда аламлидир.

Афсуски, бугун ёшлар орасида бекорчилик оқибатида ҳулқи бузилиб, вақтини исроф билан ўтказаяётганлар етарлича. Бежиз халқимиз: “Бекорчидан Худо безор”, демаган. Кўп ҳолларда ёшлар интернетдан кўнгилочар восита сифатида фойдаланиб, эртаю кеч умрини елга совурмоқда. Турли маънисиз ўйинлар домига шўнғиб, ўзларининг саломатликларига ҳам жиддий зарар етказишмоқда. Ахир умр, ёшлик, соғлиқ ғанимат эмасми? Буларни исроф қилиш эса оғир гуноҳдир.

Бекорчилик иллоти қайси халқда илдиз отса, уни заифлаштиради, қайси шахсда учраса, уни хор қилиб, обрўсидан айиради. Афсуски, кейинги пайтда айрим ёшлар ана шу иллатга ружу қўйиб, манқуртликка, оғир гуноҳларга, жиноятлар содир этишга мубтало бўлмоқда.

Ваҳоланки, бу ҳаёт доимий ҳаракатда, ўзгариш, янгиланишда. Ақли расо, мўмин киши вақтини беҳуда сарфламайди. Доим дунё ҳаёти ёки охират учун фойдали ишлар пайдан бўлади.

Шу боис ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу: “Нафсингни фойдали нарсалар билан машғул қил, акс ҳолда, уни зарарли нарсалар эгаллаб олади”, деб огоҳлантирган.

Шунинг учун фарзандларимизни бекорчи бўлиб қолишларига йўл қўймаслигимиз, балки уларни билим олиш, китобхонлик, турли тўғарақлар, спорт билан банд қилишимиз зарур. Шундагина улар маърифатли, меҳнатсевар, ўз касбини пухта биладиган, халқимизга, динимизга фойдали инсонлар бўлиб етишади.

**Одилжон НАРЗУЛЛАЕВ,**  
Янгийўл тумани “Имом Султон” жоме  
масжиди имом-хатиби

# Тарихи Муҳаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

## УХУД ҒАЗОТИ

Ухуд тоғи Мадинага яқин, саккиз чақиримлик<sup>1</sup> ердадур. Бу уруш шу тоғнинг олдида бўлганликдан Ухуд ғазоти деб айтилади. Уруш бошланиши шундоқ эрдиким, бундан бир ярим йил илгари бўлиб ўтган Бадр урушида Қурайш мушриклари қаттиқ енгилдилар. Алардин бирмунчалари шу урушда ўлдирилди ва бир қанчалари асир олиниб, бош баҳоси йўллаб қутулдилар. Қурайш халқининг тирикчилик турмушлари савдо-сотиқ ишларига боғланмиш эди. Қиш кунларида Яман вилоятига, ёз кунларида Шом мамлакатига савдо карвонлари қатнар эди. Йўллари Мадина устидан ўтганликдин тўсқинликка учраб, тижоратларига халал етди. Ўтган урушда кўрган мусибатлари устига иқтисодий томондин ҳам оғирликка учрадилар. Буни кўришган Қурайш раисларининг қолдиқлари йиғлашиб, Абу Суфён олдида келдилар. Аларнинг мусибатларига сабаб бўлган Шомдан келтирилган карвон моллари шундоғича тегилмасдин, Дорун-надва деган саройда сақланмоқда эди. Ул келган раислар Абу Суфёнга:

– Муҳаммад бизнинг улуғларимизни ўлдириб, яхшиларимизни йўқ қилди, унинг устига савдо-сотиқ йўлларимизни ҳам билади. Бизнинг эндиги тилагимиз шулдурки, бу молдин чиққан фойда ни эгалари олмасинлар, бу молни сарф қилиб, Муҳаммадга қарши уруш очгаймиз. Ўлганларимизнинг ўчини андин олгаймиз, Қурайш халқи бу уруш чиқими учун шу мол фойдасини чиқарсунлар, – дейишди.

Бу сўзни англашгандин сўнгра мол эгалари барчаси бир оғиздан розилик билдирдилар. Ҳисоблаб қарасалар, бу карвон молининг фойдаси эллик минг тиллога етди. Ҳаққа қаршилиқ қилиб очган урушларига бу мол ила ёрдам қилмоқчи бўлдилар. Барилари билиттифоқ, шу сўзга

тўхталиб, уруш ҳозирлиги учун аскар йиғишга киришдилар. Ёлғиз Қурайш қабиласидан урушга ярамлик уч минг киши йиғилди. Аларнинг қондошлари Бани Мусталиқ ва Банил Ҳавн қабилалари қўшилди. Қурайш шоирларидан Абу Азза ва Мусофий деганлари қабиладан қабилага ўтишиб, Исломга қарши шеърлар ўқишиб, халқни қўзғадилар. Уларнинг ташвиқлари билан Тихома ва Кинона арабларидан келгувчи фидойилар ҳам оз эмас эди.

Қурайш раисларидан Жубайр ибн Мутъимнинг Ваҳший номли ҳабаший бир қора қули бор эди. Найза отмоқ машқини яхши олган эди. Беш-ўн қадам ердин найза отур бўлса, кўзлаган жойини уриб, ҳеч хато қилмас эди. Хўжаси Жубайр уни чақириб айтди:

– Агар бу урушда Муҳаммаднинг амакиси Ҳамзани ўлдирур бўлсанг, сен озодсан, – деди. Чунки ўтган Бадр урушида унинг амакиси Туаймани ҳазрат Ҳамза ўлдирган эди.

Шунинг билан Қурайш қўшини қуролланиб, Мадинага қараб юриш қилди. Қочишга тўсқин бўлсин деб аскар бошлиқлари хотунларни бирга олдилар. Чилдирма чолғувчилар билан аскарни урушга қиздирмоқ учун қўшиқчи хотун-қизлардин бир қанчалари уларга қўшилди. Қурайш шоирларидан Абу Суфён хотуни Ҳинд Утба қизи бошлиқ бир неча обрўли хотунлар эрлари билан бу урушга бирга чиқдилар. Араблар одатича, хотунларини урушга бирга келтирмак – “ўлиш бор, қочиш йўқ”, демакдин иборат эди. Урушга кириш олдида баҳодирлар ичгали бир неча тулум чағир ҳам олган эдилар. Эрта-кеч қўшин кўчганда, йўл юраётганларида қўшиқчи хотунлар Бадр урушида ўлдирилганларни йўқлашиб, йиғлашур эдилар. Бунинг таъсиридан аскарлар ҳам йиғи-зора қилишур эди. Мана шундай қилиб, бутун аскарни борлик кучлари билан урушга солиш чорасини кўрдилар. Шунинг билан Қурайш қўшини юриб-ўтириб, Мадина яқинида



Зул-Хулайфа деган жойга келиб тушди. Энди сўзни Пайғамбаримиздан эшитинг:

Қурайш қўшини чиқмасдин илгариёқ бу ишдан хабар топдилар. Шундоқки, амакилари ҳазрат Аббос Ғифор қабиласидан бир кишини ёллаб, Мадинага юборди. Бу киши келиб, Расулulloҳ билан яширинча кўришган сўнгида воқеа ёзилган хатни топшириб қайтди. Сўнгра Расулulloҳ тезлик билан икки кишини тингчи қилиб йўл кузатмоққа чиқардилар. Бу чиққан соқчилар душман аскарлари яқинлашиб келганлик хабарини билдирди. Сўнгра Расулulloҳ ансор ва муҳожир саҳобаларни йиғиб кенгашдилар. Бу тўғрида алардин фикр олдилар. Кейин ўз фикрларини баён қилиб айтдиларким:

– Биз шаҳардин чиқмайлик, уруш ўринларини шаҳар ичида қуриб, йўлларга чеп (тўсиқ) боғлайлик. Ўзимиз шаҳардин чиқмай, чеп ичида аларни кутиб турайлик. Ғанимлар шаҳар ташқарисида бизни қамаб турғудек бўлсалар, қийинчилик билан туролғайлар. Агар улар устимизга чопул қилсалар, Мадина йўллари биз учун очик, аларга ёпиқдур. Йўл бошларини тўсиб урушгаймиз. Хотун-болалар том устидан ёрдам етказгайлар.

Расулulloҳдин бу сўзни англашгандин сўнгра бутун саҳобаларнинг улуғ ёшдагилари бу фикрга қўшилдилар. Лекин Пайғамбаримизнинг амакилари амир Ҳамза бошчилик кўпчилик ёш йигитлар ва яна Бадр ғазотига қатнаша олмай ўқиниб қолган кишилар айтдиларким:

– Ё Расулalloҳ, бизлар шундай кун келгайму, деб кутмоқда эдик. Бу кунни бизга Худо етказди. Бизни душман қаршисига чиқарур бўлсангиз, тилагимиз шулдур. Агар шаҳардин ташқари чиқмас эрсак, биздин кўрқиб чиқмадилар деб, душманларимизнинг кўнгли кўтарилгай. Бунинг устига ҳазрати Ҳамза айтди:

– Ё Расулalloҳ, сизга Қуръон юборган Аллоҳ ҳаққи, душманлар билан шаҳар ташқарисида қилич чопишмагунча, буткул таом емагайман. Яна ансор саҳобалардан Нўмон ибн Молик:

– Ё Расулalloҳ, бизни жаннатдин маҳрум қилмагайсиз. Худо ҳаққи, мен Аллоҳдин ўтинаман, ушбу кунда шахид бўлиб, жаннатга киргайман, – деди.

Шунинг билан кўпчилик аскарлар ва баҳодир ёш йигитлар бу томонда бўлиб, шаҳардин ташқари чиқмоқни талаб қилдилар. Аларнинг кўнгилларига қараб Расулulloҳ ҳам қабул қилдилар.

Ҳижратнинг учинчи йили, 6-Шаввол, яъни ийд ойидан ўн кун ўтгандин кейин жума кунида бу воқеа бошланди (25 март 625 й.). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминлар билан жума намозини ўтадилар. Ўқигон хутбаларида уруш тўғрисида ваъз сўзладилар. Айдилар:

– Эй мўминлар! Душман қаршисида ким сабр қилса, у зафар топқай. Уруш майдонида ким чидамлик кўрсатса, ул ғалаба қозонгай. Душманни енгмоқ учун энг биринчи шарт чинлик-чидамлик билан қарши турмоқдур. Агар булардин айрилмас экансиз, Аллоҳ ёрдами сиз билан бўлур, – дедилар.

Сўнгра Расулulloҳ қуролланиш учун уйларига кирдилар. Қўш қават совут кийиб, қилич осиндилар. Бошларига дубулға кийиб, орқаларига қалқон ташладилар. Бунинг кўриб, ёши улуг саҳобалар шаҳардин ташқари чиқмоққа қизиқишиб турган ёш саҳобаларни маломат қилгани турди:

– Расулulloҳни ўз эрки-ихтиёрисиз шаҳардин ташқарига чиқиб, душманни қаршиламоққа сиз мажбур қилдингиз. Ҳали ҳам бўлса, Расулulloҳни қайтаргайсиз. Ўз эркича иш юргазгай. Нима нарсани бизга буюрур эрсалар, бизлар шуни қилгаймиз, – дедилар. Шу орада Расулulloҳ уйларида чикдилар. Ёш саҳобалар:

– Ё Расулalloҳ, бизлар ихтиёримизни ташладик. Қайси ишни буюрсангиз, шуни қилишга тайёرمىз, – дедилар. Анда Расулulloҳ:

– Пайғамбар бўлган кишига ғазот нияти билан таққан қурол-яроғини, ул ишни қилмай туриб, ечиб қўймоқлик лойиқ бўлмагай. Эндиги сўз шуки, биз билан душманамиз орасида Аллоҳ нима ҳукм қилган бўлса, ани кўргаймиз, – дедилар.

**Алихонтўра СОҒУНИЙ**нинг  
“Тарихи Муҳаммадий” асарида

**Давоми бор...**

<sup>1</sup> Бир чақирим тахм. 900 метрдир.



# Уммон ортида тез ёйилаётган дин

**“Янги Америка тарихи” китоби муаллифи Питер Мансо Ислом Америка тарихининг ажралмас қисми эканини илмий далиллар асосида таъкидларкан, жумладан, бундай дейди: “Мусулмонлар бу ерда Америка Қўшма Штатлари ташкил этилганидан аввал ҳам бўлган, улар минглаб киши бўлиб бу ерга келишган”.**

Бошқа манбаларда ҳам Америка қитъасига Колумбдан кўп йиллар бурун андалусиялик мусулмонлар келгани айтилган.

АҚШ давлати ташкил топмасиданоқ бу ўлкада мусулмонларнинг ҳаёт кечиргани ушбу давлат тарихига назар ташланганда ҳам кўринади. Масалан, АҚШни мустақил республика сифатида тан олган илк давлат Марокаш Султонлиги эди (1777), 1805 йилнинг 9 декабрида президент Томас Жефферсон Оқ Уйда Тунис элчиси Саид Сулаймон шарафига ифтор уюштирган, 1861–1865 йиллардаги фуқаролар урушида қаҳрамонлик кўрсатган Петр Салим ҳам мусулмон бўлган.

АҚШда биринчи масжид ва исломий ташкилот 1913 йили Нью-Жерсида очилган. Масжидларни мусулмонлар ўз маблағлари ҳисобидан қурганлар.

АҚШнинг маҳаллий аҳолиси, айниқса, аёллар ва ёшлар орасида Исломга кирувчилар сони ортиб бораётгани ижобий ҳодиса, албатта. Шунинг билан бирга, бу давлатга кўчиб келган мусулмон муҳожирлар

ҳисобига ҳам мусулмонлар сони кўпайяпти. Жумладан, 2005 йили мусулмон давлатларидан келган 96 000 киши АҚШ фуқаролигини олган бўлса, 2009 йили 115 000 мусулмон Қўшма Штатлар фуқаросига айланди. Айниқса, 11 сентябрь воқеасидан сўнг АҚШ аҳолиси Исломга янада кўпроқ қизиқа бошлади. Биргина 2005 йилнинг ўзида ушбу давлатнинг 20 000 дан ортиқ фуқароси Исломга кирди. Бу рақам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. АҚШ мусулмонлари сони мамлакат аҳолисининг бир фоизига етди. 2040 йилга бориб Ислом бу ерда иккинчи динга айланиши тахмин қилинмоқда.

Америкада масжидлар сони 2020 йили 2769 тага етди. Мусулмонлар турли соҳаларда меҳнат қилиб, мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар бошқалардан тўқроқ ҳаёт кечиради. Жумладан, Жанубий Осиёдан келган муҳожирларнинг аксари яхши таълим олган ва саноатнинг даромадли соҳаларида меҳнат қиладилар. Шу боис даромади оддий америкаликларникидан анча кўп. Улар орасида врачлар, олимлар, муҳандислар, дастурчилар ва тадбиркорлар бор.

2018 йил АҚШ конгрессига Миннесота ва Детройт штатларидан икки мусулмон аёл – келиб чиқиши сомалилик бўлган Ильхон Умар ва ота-онаси фаластинлик бўлган Рашид Тлаиб депутат этиб сайланди.

Ҳар йили Рамазон ойида Оқ Уйда мусулмонлар учун катта ифторлик ўтказилиб, унда мамлакат президенти ҳам иштирок этади.

Туркистон–Америка ассоциацияси маълумотига кўра, АҚШда бугунги кунда 20 мингдан ортиқ этник америкалик ўзбек истиқомат қилади. Уларнинг аксари 40-йилларнинг охири ва 50-йилларда Европадан, 1960 йилдан бошлаб Туркиядан, 1979 йилдан Афғонистондан кўчиб боришган. 1992 йилдан эса Green card асосида ҳар йили минглаб ўзбеклар АҚШда яшаш ва ишлаш учун кўчиб бормоқда.

**Раҳматуллоҳ АХМЕДОВ тайёрлади.**



*Раҳматуллоҳ Аҳмедов 1975 йили Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида туғилган.*

*1996 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирган.*

*2016 йилдан бери Касби туманидаги “Раҳматуллоҳ Суяров”*

*жоме масжиди имом-хатиби.*